Энг улуғ, энг азиз байрамингиз муборак!

O'ZBEKISTON 11

С самым великим, с самым дорогим праздником!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Вечерний ТАШКЕНТ

2002 йил 30 август
№ 102—103 (9.752—9.753)

Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир...

Ислом КАРИМОВ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

29 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессия ишини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни ташкил қилди ва кун тартибини тасдиқлади.

(Давоми 3-бетда).

Девятая сессия Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва

В Ташкенте 29 августа начала свою работу девятая сессия Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва.

В работе парламентской сессии принимает участие Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов.

В зале заседаний присутствуют члены Кабинета Министров, руководители республиканских организаций, послы и представители дипломатического корпуса иностранных государств, корреспонденты зарубежных и отечественных средств массовой информации.

Сессию ведет Председатель Олий Мажлиса Э. Халилов.

Олий Мажлис образовал рабочий орган сессии — секретариат, утвердил повестку дня.

(Окончание на 5-й стр.).



ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам халқ депутатлари!

Бир неча кундан сўнг мамлакатимиз, бутун халқимиз ўз мустақиллигининг ўн бир йиллигини катта тантана билан байрам қилади.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябридан тобора узоқлашиб борганимиз сари барчамизнинг тақдиримизда ҳал қилувчи аҳамият касб этган ана шу буюк тарихий сана билан боғлиқ баъзи воқеалар, уларнинг айрим тафсилотлари хотирамиздан кўтарилиши ҳам мумкин. Албатта, бу табиий ҳол ва ҳаммамиз буни тўғри тушунамиз.

Шу билан бирга, ҳеч шубҳа йўқки, мана шу улуғ сана билан бугунги кунимиз ўртасидаги масофа қанчалик узайса, босиб ўтган йўлимизни холисона ва атрофлича таҳлил қилиш, тегишли хулоса ва сабоқлар чиқаришнинг аҳамияти тобора кучайиб боради.

Албатта, мана шу ўтган даврга, шу вақт мобайнида амалга оширган ишларимизга бериладиган баҳо турлича бўлиши мумкин. Бу аввало ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни ким қандай нуқтаи назардан таҳлил қилишига, эришган ютуқларимизни қандай кўз билан баҳолашига боғлиқ.

Табиийки, бундай ёндашув ва хулосаларга қўшилиш ҳам, қўшилмаслик ҳам мумкин.

Лекин, ишончим комилки, бир масалада, яъни биз бундан ўн бир йил муқаддам қабул қилган тарихий қарор, танлаган йўлимиз тўғрилиги бўйича аксарият кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқиши, шубҳасиз.

Биз тарихимизнинг ўша туб бурилиш нуқтасида, ғоят хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю ягона тўғри йўлни танладик. Яъни, мустабид тузум, ўта мафкуралашган, миллий ўзлигимизни топтаган эски тизимдан воз кечиб, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, азму қарорини бажо келтириб, очиқ демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танладик.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, мамлакатимизга, эртага ўрнимизга келадиган авлодларга улкан имконият ва истиқболлар эшигини очадиган ҳаётга қадам қўйдик.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунардикки, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш осон эмас эди ва бу ҳақиқатни йиллар ўтгани сари тобора кўпроқ ва аниқ англамоқдамиз.

Энг муҳими, бугун ана шу мақсад-муддоаларга - мустақил давлат, эркин жамият ва фаровон ҳаёт қуриш, содда қилиб айтганда, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш учун интилиш кенг жамоатчилигимиз, халқимизнинг онгу тафаккури, амалий ҳаракатларида тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда.

(Давоми 2-бетда).

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДАЛЬНЕЙШЕГО УГЛУБЛЕНИЯ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ И ФОРМИРОВАНИЯ ОСНОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Доклад Президента Ислама Каримова на IX сессии Олий Мажлиса

Ассалом алейкум, дорогие соотечественники!

Уважаемые депутаты!

Через несколько дней наша страна, наш народ будет отмечать 11 лет своей независимости.

Чем дальше мы отдаляемся от 1 сентября 1991 года, тем больше стираются в памяти, и это естественно, отдельные события, отдельные детали этой исторической, судьбоносной для всех нас даты.

Вместе с тем с каждым годом нашего независимого развития, оглядываясь на пройденный путь, когда порой за месяц, за год приходилось проходить дорогу, равную многим десятилетиям, есть возможность шире и глубже оценить сделанное и сделать необходимые выводы. Ибо, как говорится, большое, великое видится на расстоянии.

Оценки пройденного и сделанного могут быть различными. Все зависит от того, кто, с каких позиций анализирует изменения, происходящие в нашей жизни, как оценивает достигнутое.

Как говорится, можно с ними соглашаться, а можно и нет.

Но в одном, я убежден в этом, абсолютное большинство суждений и выводов является бесспорным. Речь идет о том выборе, который мы сделали 11 лет назад.

Вне всякого сомнения, в той сложнейшей, исторически поворотной ситуации мы выбрали единственно правильный путь.

Мы отказались от тоталитарной, во всех отношениях идеологизированной, не признающей наши национальные традиции системы и выбрали путь строительства открытого демократического и правового государства, формирования социально ориентированной рыночной экономики.

Мы вступили на путь и сделали выбор, отвечающий вековым чаяниям нашего народа, открывающий для нашей страны, для будущих поколений людей огромные возможности и перспективы. Хотя мы прекрасно осознавали, и в этом мы убеждаемся сегодня, насколько трудно и сложно добиться тех непростых, я бы сказал, великих целей, которые мы поставили перед собой.

Самое главное, что эти цели — построить независимое государство, свободное общество, добиться достойного уровня жизни для нашего народа, проще говоря, жить той жизнью, которой живут в развитых демократических странах — эти цели все более прочно внедряются в сознание людей, занимают все большее место в их практических делах.

(Продолжение на 4-й стр.).

ИСТИҚЛОЛ ШАВҚИДА ЖЎШГАН ТОШКЕНТИМ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла ОРИПОВ билан суҳбат

Йилларга мен ўзни масъул сезгайман,
Ҳар йил шодасига бир дур тизгайман.
Фарахбахш кунлардан то кўнглим тўлди,
Шодада дурларим ўн битта бўлди.

— Абдулла ака, мамлакатимизда мана ўн бир йилдан буён истиқлол шамоллари эсмоқда, ҳуррият қуёши янада чарақлаб, кундан-кун гулгун ҳаётимизга бахт-саодат нурларини таратмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободончилик ишлари, буюк ўзгаришлар, истиқлол ва ислоҳотларимизнинг мазмун моҳияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Авваламбор, барча юртдошларимизни, айниқса ҳамшаҳарларимизни энг Улуғ, энг Азиз байрамимиз —Мустақиллигимизнинг 11 йиллик айёми билан муборакбод этаман. Ва албатта шу ўринда мен «Тошкент оқшоми»дек ҳозиржавоб, севикли газетамиз жамоасини ҳам, ўқувчиларини ҳам табриклайман. Албатта биринчи бўлиб Мустақиллигимиз ҳақида гапирар эканмиз унинг ўн биринчи йилига қадам қўйдик. Ҳамма жойда айтилаётир. Хориж матбуотида ҳам, ўзимизда ҳам. Ким, нима ҳақида гап кетаётир? Ер юзида ўзининг ҳақ-ҳуқуқи мавжуд бўлган, эркинликка эришган бус-бутун бир халқ ва юрт ҳақида гап кетаётир. Бу — ўзбек халқи, она — Ўзбекистонимиздир. Қадимдан ўзининг ўрни, аҳамияти ва истеъдодига кўра жаҳон тарихида катта мавқе эгаллаган бир улуғ халқ ҳақида гап кетаётир. Буни қайтадан яна бир карра инсониятга таништирган албатта Мустақиллигимиз, Истиқлолимиз бўлади. Жаҳонда шундай бир қоидалар борки, асосан пойтахт шаҳарлар, Амир Темур ҳазратлари тиллари билан айтганда, доруссалтанат — мамлакатнинг юзи-кўзи бўлади. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонимизнинг пойтахти Тошкентда буюк соҳибқирон Амир Темур ҳайкали, Темурийлар тарихи давлат музейи, ёҳуд санъат қошонаси —муҳташам консерваториянинг қад ростлаши, шаҳидлар хотирасини ёдлаш бўйича қилинаётган барча-барча ишларни истиқлолимиз шарофатидан деб биламиз. Бутун жаҳон бу ерда туташади. Бизнинг Тошкентимиз, пойтахтимиз мамлакатимизнинг кўзгуси, ойнаи жаҳонидир. Келган кўпчилик меҳмонлар албатта бориб ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўядилар. Ойдин, равон кўчаларда юрадилар. Ҳар кун, ҳар соатда бунёд бўлаётган катта-катта қурилишлар, меҳмонхоналару кўприкларнинг кўрку жамолига гувоҳ бўладилар. Бугунги кунда Ўзбекистон жуда ҳам катта қурилиш майдонига айланди. Бу улуғвор ўзгаришларнинг Бош меъмори ҳеч шак-шубҳасиз, Юртбошимизнинг ўзларидир. Бу қурилиш наинки Тошкентда, балки олис Қорақалпоғистонда ҳам давом этаётир. Катта темир йўл магистраллари, улкан-улкан заводлар бунёд бўлаётир. Лекин буларнинг орасида бизнинг Тошкентимиз айрича ўрин тутади. Ўзбекистонимизнинг, ўзбекнинг тараққиётини, имкониятини кўрсатиш жараёни энг аввало ана шу шаҳри азим Тошкентда юз бераётир. Биз Тошкентни, шаҳримизни фуқаро сифатида эмас, фарзанду дилбандидай севамиз. Бизнинг фахрланаётган жиҳатларимиз кўп. Тинч ва осойишта кунларда бешик кўтариб юрган қариқартангларми, бахтиёр ёшларми — уларни кўрганда мен фахрланаман. Бу тинч ва осойишта шаҳар. Ҳолбуки, жаҳонда безовта шаҳарлар ҳам кўп. Шу сабабдан мен Тошкентимизга, она шаҳримизга ҳеч қачон кўз тегмасин дейман. Энди, шаҳримиз учун ҳам биз ҳар биримиз масъул бўлмоғимиз керак. Менинг назаримда, Тошкент бугунги кунда кўкка бўй чўзган бетимсол, улуғ имкониятлар шаҳрига айланиб турибди. Бунга мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

(Давоми 7-бетда).

Истиқлол қўшиғи

Мурувватту маърифатдир буюкликнинг нишонаси,
Қадам қўйинг, мана сизга асл йўлнинг остонаси.

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,
Замон келди, Ватан боғрин гўзал бўстон этайлик биз.

Минг-минг шукр, келиб даврон истиқлолга эришдик биз.
Хароб бўлган хонадонни бутламоққа киришдик биз.

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,
Замон келди, Ватан боғрин гўзал бўстон этайлик биз.

Иймон нури оқиб турар бир гавҳар бор қонимизда,
Не-не буюк боболарнинг бардоши бор жонимизда.

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,
Замон келди, Ватан боғрин гўзал бўстон этайлик биз.

Олдиндадир ҳали заҳмат, олдиндадир имконимиз,
Етишгаймиз келажакка, покизадир виждонимиз.

Жаҳон ичра буюк юртни улуғ достон этайлик биз,
Замон келди, Ватан боғрин гўзал бўстон этайлик биз.

ПЛОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

В канун таких значимых для любого государства праздников, каким является День независимости, каждый с позиции того, что достигнуто за прошедшие годы, может оценить пройденный путь и определить те новые высоты, которые еще предстоит одолеть.

Одиннадцать лет — краткое мгновение для истории. Но наша страна, встав на путь независимости, за небольшой период смогла добиться того, на что у иных стран ушли многие десятилетия.

Нелегкими, а порой и очень напряженными выдались эти годы. Многое пришлось начинать буквально с нуля. Но тактика и стратегия, разработанные руководством республики во главе с Президентом Исламом Каримовым, самоотверженный и напряженный труд, усилия всего народа дали свои результаты.

Либерализация политической, экономической, правовой и духовной сфер, совершенствование законодательной базы обеспечили успешное проведение тех реформ, которые поэтапно осуществляются в нашей стране.

В первую очередь Узбекистан занял достойное место в мировом сообществе, завоевав определенный авторитет своей взвешенной и миролюбивой внешней политикой, динамичными шагами по созданию демократического, правового государства. И сегодня к позиции Узбекистана по многим мировым, региональным проблемам относятся очень внимательно.

Определенные результаты дали перестройка всей экономики. Бывшая в прошлом в основном сырьевым придатком, республика ценой огромных усилий, привлекая иностранные инвестиции, добилась нефтяной и зерновой независимости, создала современные промышленные предприятия, выпускающие продукцию по мировым стандартам, значительная часть которой идет на экспорт. Быстрыми темпами развиваются малый и средний бизнес, частное предпринимательство, чья доля в общем экономическом потенциале страны растет год от года.

Наряду с этим в государстве с первых лет независимости проводится сильная социальная политика. Огромные средства направлены на реформы в системе образования и здравоохранения, реализуются Национальная программа по подготовке кадров, государственная программа по охране здоровья населения. Вместе с возрождением духовности, национальных традиций, развитием культуры и искусства, физкультуры и спорта это является основными составляющими для воспитания гармонично развитой личности, духовно и физически здорового подрастающего поколения, которое во многом и будет определять будущее нашей страны.

Нельзя не отметить и внимание, заботу государства, направленные на посильную помощь и поддержку всех слоев населения, особенно малообеспеченных, почет и уважение, оказываемые представителям старшего поколения, защите интересов которых посвящен нынешний год.

За годы независимости достигнуто многое. Но главное, пожалуй, заключается в том, что в Узбекистане царят мир и спокойствие, которые пришлось отстаивать в борьбе с экстремистами и террористами всех мастей. Именно мир и спокойствие дают нам возможность нормально жить и трудиться.

Да, за 11 лет сделано немало. Но все равно мы еще, можно сказать, в начале пути к великому будущему. И нам всем предстоит сделать еще больше для укрепления независимости и процветания. Так что пожелаем друг другу традиционное «Хорманг!» — «Не уставать!» в больших и малых делах на благо любимой Родины.

Нелегким и суровым выдался путь нашего народа к независимости. Но мы уже идем по этому пути, преодолевая трудности и преграды. Все мы понимаем, что, как подчеркнул на девятой сессии Олий Мажлиса Президент страны, «Сегодня можно сказать с уверенностью — реформы в Узбекистане приобрели необратимый характер. Их уже нельзя повернуть назад». И мы не намерены сворачивать с избранного пути построения нового, обновленного Узбекистана, который, уверен, займет свое место среди развитых демократических государств мира.

С. АЛЕКСЕЕВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда, минг афсус билан шуни ҳам таъкидлашга мажбурмизки, бугун собиқ иттифоқ худудида, айрим қўшни давлатларда баъзи бир ғалати ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Яъни, ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касодга учраган, коммунистик мафкурага асосланган тизимни соғиниб-кўмсаб гапираётган айрим сиёсат ва давлат арбоблари - эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Улар, бир қарашда, қулай келган пайтда ўзларини мустақиллик учун курашган ва эски тизимдан жабр-зиён кўрган шахслар сифатида кўрсатади, шу билан бирга, кези келганда кимгадир яхши кўриниш ва сохта обрў топиш мақсадида ўзини СССРни сақлаб қолиш учун охиригача курашганлар сафига қўшишга уринади.

Бир сўз билан айтганда, СССРнинг сояси собиқ иттифоқ минтақасидан ҳали-бери бутунлай кўтарилган эмас ва буни биз доимо инобатга олишимиз, ҳамиша сергак ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Шу сабабли, биз ўз мустақиллигимизни қандай қийинчиликлар билан, қандай синов ва суронли курашлар билан қўлга киритганимизни бугун яна бир бор эслашимиз ўринли, деб биламан.

Яъни, ҳали-бери хотирамиздан кўтарилмаган ўша таҳликали кунларни ёдга олар эканмиз, шу залда ўтирган одамлар, умуман кўпчилик замондошларимиз гувоҳи бўлган воқеаларни, бизга ҳасад билан қарайдиган ташқи ва ички душманларимизнинг юртимизда ҳукмронлик қилиш, ўз ёвуз мақсадларига эришиш учун қандай ўта хавфли хуружлар қилганини эсласак, ортиқча бўлмайди.

Шундай қабиҳ ният билан 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркентда содир этилган, ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайдиган дахшатли фожиалар; 1990 йилнинг июнь ойидаги Ўш ва Ўзган воқеалари; 1991 йилнинг 8 декабрида Наманганда-ги собиқ вилоят ижроқўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари; 1991 йил октябрь ойида собиқ Марказ тарбиялаган ва тезлаган партия-совет номенклатураси томонидан ташкил қилинган, Олий Совет 7-сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар; 1992 йилнинг 16 январида Талабалар шаҳарчасида ўзимизнинг фарзандларимизни ёлғон даъват ва чақириқлар билан йўлдан оғдириб, уюштирилган тартибсизликлар ва шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар авваламбор ўзбек халқининг ҳамжиҳатлигини бузиш, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба бериш, томирига болта уришга қаратилганини бугун барчамиз яхши англаймиз.

1999 йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ёвуз террорчи кучлар томонидан содир этилган портлашлар натижасида қанча бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмгани ва ярадор бўлгани ҳам халқимиз хотирасидан асло ўчмайди.

1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон ҳудудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, бизни азиз фарзандларимиз - ҳаётга эндигина қадам қўяётган ҳарбий аскарлардан жудо қилиб, оналар юрагини дарду аламга тўлдирганини, Ўзбекистоннинг озодлиги ва тинчлигига қарши ташкил қилинган хуруж ва ҳаракатларни бошимиздан кечирганимизни ҳам биз ҳеч қачон унутмаслигимиз ва бундан тегишли сабоқлар чиқаришимиз зарур.

Бундай қора ниятларни амалга оширишга уринган тўдалар ва ҳаракатлар ортида қандай қабиҳ сиёсий кучлар ҳамда экстремистик марказлар тургани, улар бу мақсадлар учун катта маблағлар ажратгани, махсус қўпорувчилик ва террорчилик лагерларида жангариларни тайёрлагани бугун барчамизга аён бўлиши муқаррар.

Биз яхши тушунамиз - бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиган, юртимизга кўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабиҳ ва нопок ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмас.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган, бугун юртимизда шиор бўлиб қолган **"Ўз уйингни ўзинг асра!" ва "Тинчлик учун курашмоқ керак"** деган ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз, доимо огоҳ бўлишимиз керак.

Шуни катта мамнуният билан таъкидлашимиз зарурки, жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга - бу жирканч бало-қазога қарши эълон қилган курашда давлатимиз ва жамиятимиз ҳам қатъий бел боғлаганини дунё майдонида бугун кўпчилик тан олмоқда ва Ўзбекистонимизга ҳурмат-эътибор билан қарамоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Мен Ватанимиз ўз истиқлолини қўлга киритган дастлабки йилларга хаёлан яна қайтиб, шуни айтмоқчиманки, биз янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун илк қадамларни қўйган ўша даврда аввало **иқтисоди-ижтимоий ислоҳотларимизнинг асоси бўлган, дунёда ўзбек модели деб ном олган бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилини ишлаб чиқдик.** Ва мавжуд мураккаб шароитга ҳар томонлама мос келадиган, ривожланишимиз учун энг мақбул бўлган бу йўлни халқимиз, жамоатчилигимиз эътироф этди ва қўллаб-қувватлади.

Маълумки, бизга эски тузумдан бир томонлама ривожланган, ночор ва заиф иқтисодиёт мерос қолган эди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги мураккаб иқтисодий ҳолат, собиқ шўро тизимида Ўзбекистонга асосан арзон хомашё минтақаси сифатида жой ажратиб, биринчи навбатда, унинг бўйнига пахта, олтин, қимматбаҳо ва стратегик материаллар етказиб бериш юклатилгани, айни вақтда, аҳоли учун зарур бўлган асосий истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ғалла ва дон, гўшт ва сутнинг аксарият қисми республика ташқарисидан келтирилишининг оқибати эди.

Ўз заминимизда бой заҳиралари мавжуд бўлган ёнилғи ва нефть маҳсулотлари четдан ташиб келтирилгани ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Мана шундай оғир вазиятда бизнинг иқтисодиёт масаласида дейсизми, сиёсий-ижтимоий барқарорликни сақлаш ёки аҳолининг таъминотини йўлга қўйиш масаласида дейсизми - олдимизда турган жуда кўп, бир-биридан чигал, бир-биридан долзарб муаммоларни зудлик билан ҳал этишимизга тўғри келар эди.

Одамларимиз учун муқаддас бўлган маънавий ва диний қадриятларни тиклаш, кўп асрлик олижаноб урф-одатларимиз ва анъаналаримизга таяниб иш кўрганимиз қаддимизни ростлаш имконини берди, мамлакатимизни парокандалик ва бошбошдоқлик, халқимиз табиатига ёт бўлган экстремизм ва ақидапарастлик ботқоғига ботиб кетиш хавфидан сақлаб қолди.

Биз истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ эски, қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кечишга, маънавий янгиланишга, **одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб бордик.** Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг тафаккурини ўзгартиришда, ислоҳотларни жорий этишда янгича ёндашувларни шакллантириш, жамиятимизда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва конфессиялар ўртасида муроса муҳитини мустаҳкамлашда сезиларли таъсир кўрсатди.

Иқтисодиёт соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиб, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилган ҳолда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлдик.

Бугун шуни ишонч билан айта оламизки, нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки жамиятимизни сиёсий ва маънавий жиҳатдан янгилаш борасида ҳам биз танлаган тараққиёт модели ва асосий ривожланиш тамойиллари ҳаётда ўзини тўла оқламоқда. Шундай деб айтишга бизнинг барча асосларимиз бор.

Шу билан бирга, бу устувор йўналишларнинг айримлари - хусусан, қонун устуворлиги, ислоҳотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат каби тамойиллар мамлакатимизни ривожлантиришнинг кейинги даврларида ҳам биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда муҳим ҳаётий аҳамият касб этади ва ўз қимматини йўқотмайди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳурматли депутатлар!

Айни пайтда, шуни айтишимиз зарурки, юртимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар жараёнининг қўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб боргани сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора кўпроқ сезилмоқда. Шу боис ҳам, биринчи чақириқ Олий Мажлисининг 14-сессиясида ва иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг 2000 йилги 1-сессиясида **сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган стратегик дастур қабул қилинди.**

Шундан буён ўтган вақт мобайнида ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларининг қонуний асосини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди.

Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур қафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг бу муҳим соҳаларида муносабатларни тартибга солувчи бир қатор янги қонунлар қабул қилинди ва кўпгина қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилди; Жиноят, Жиноят-процессуал ва бошқа кодекслар қайтадан кўриб чиқилди.

Шу жумладан, прокуратура тизими устидан ижтимоий назоратни кучайтириш, унинг айрим ҳуқуқларини чегаралаш ва қисқартириш, бу ҳуқуқларнинг кўпини суд идораларига бериш масалаларига аниқлик киритилди.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва бу борада амалий қадамлар қўйилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, нафақат қонунчилик соҳасида, балки қонунларни амалиётда қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан, судлар тўғрисида, прокуратура тўғрисида, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш муносабати билан қатор кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши одил судлов сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришни таъминламоқда.

Бу чора-тадбирлар судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда, бу жараённинг истисносиз барча босқичларида тарафларнинг ҳақиқий тенглиги ва ўзаро тортиша олиши учун шароит яратиши, айниқса, иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазоларни сезиларли тарзда енгиллатиш имкониятини амалда таъминлаши лозим.

Ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг мустақиллигини, уларнинг фақат қонунга бўйсунишини кучайтириш борасида моҳият-эътиборига кўра мутлақо янги қадам қўйилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бу ўзгаришларни амалга оширишдан асосий мақсад шуки, **биз одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки аввало инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига эришмоғимиз керак.**

Бугун биз тарихимизнинг ана шу ўтган даврига якун ясар эканмиз, ташқи сиёсат соҳасида эришган ютуқларимизни қайд этмасдан, ҳозирги кунда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг юксак эътироф ва обрў-эътибор қозонаётгани ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади, керак бўлса, ўзининг мустақил овозига эга бўлди, десак, бу ҳам ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Биз шуни унутмаслигимиз керакки, бундай эътироф, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ортиб бораётган нуфузи - бу авваламбор мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўтказиб келинаётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, оғир-вазмин, қатъий ва мустақил ташқи сиёсатнинг натижасидир. Айтиш керакки, бу Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатимиз олға сурган барча маълум ташаббуслар, қилинган катта амалий ишларнинг самарасигина бўлиб қолмасдан, айни пайтда мамлакатимизда демократик тамойиллар ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлаётган жиддий ижобий ўзгаришларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши ҳамдир.

Шу маънода, жорий йилнинг январь ойида ўтказилган умумхалқ референдуми Ватанимиз сиёсий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлганини таъкидлаш даркор. Референдумнинг ўтказилиши ва унинг якунлари давлатчилигимиз ривожида, жамиятни демократик янгилаш жараёнида муҳим босқич бўлди. Энг асосийси, референдум натижалари мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг жамоатчилигимиз, аҳолимиз томонидан қанчалик қўллаб-қувватланаётганини амалда яққол тасдиқлади.

Буларнинг барчаси демократик ва ҳуқуқий давлат, фаровон ҳаёт барпо этишдек ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсад ва марраларга етиш йўлида юртимизда амалга оширилаётган катта ўзгаришларнинг аниқ ва ёрқин кўринишидир.

Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, бугун **Ўзбекистонда ислоҳотлар муқаррар тус олди. Энди уларни ортга қайтариб бўлмайди.** Энг асосийси ва энг муҳими, юртимизда яшаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ҳаётга, ўз атрофида юз бераётган барча воқеаларга бўлган муносабати ўзгармоқда.

Авваламбор, кишиларнинг онгини, ҳаёт тарзини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар бутунлай янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Мулкдор ва тадбиркорларнинг, кичик ва ўрта бизнес эгаларининг нуфузи ва таъсири кун сайин ортиб бормоқда.

Биз ўрта синф деб атайдиган бу ижтимоий қатлам тимсолида, моҳият-эътиборига кўра, мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки сиёсий барқарорликни таъминлаш, юртимизнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида асосий таянч бўладиган янги мулкдорлар синфи шаклланмоқда.

Қадрли ватандошлар!

Ҳаммамиз биламизки, ҳаёт бамисоли оқар дарё, у ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Бугун барчамиз атрофдаги вазият қандай тус олаётгани, кўпгина қадриятлар янгиланаётгани, нафақат минтақамиз, балки бутун дунё миқёсида ҳаётнинг ўзи ҳам қандай тез суръатлар билан ўзгараётганини кузатиб бормоқдамиз.

XXI аср - шиддаткор тезликлар асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр.

Минг афсуски, айни вақтда ҳозирги замоннинг энг хатарли аломати бўлиб жаҳон майдонига чиқаётган халқаро терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес каби хавфсизликка янги таҳдидлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Бугунги кунда бундай хавф-хатарларнинг қай тарзда ва қандай асосда пайдо бўлаётганини, улар нафақат бизнинг халқимиз, балки бутун инсоният учун нечоғли мудхиш бало-казо эканини биз аниқ тасаввур қиламиз ва уларнинг қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Буларнинг барчаси оддий бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди. Яъни, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интиладиган ҳар қайси давлат бу масалада ўзининг замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, пухта ўйланган, аниқ-равшан фаолият дастурига эга бўлиши зарур.

Содда қилиб айтганда, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади.

Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

Бу — ҳаёт қонунияти, биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Биз сизлар билан тараққий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга етиб бориш учун Америка, Европа ва Осиёдаги энг ривожланган давлатлар эришган андоза ва меъёрларга чиқишимиз зарурлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Албатта, биз бу йўлда бирмунча салмоқли ютуқларни қўлга киритдик. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо барчамиз учун аён бўлиши керакки, биз эришган натижа ва марралар олдимизга қўйган буюк мақсадларга етиш йўлида маълум бир бўғин ва босқични ташкил қилади, холос.

Бизнинг бугунги кундаги муҳим вазифамиз - ўтган давр мобайнида эришилган натижаларни яна бир бор танқидий ва холисона баҳолаш ва амалий хулосалар чиқариш.

Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишдир.

Мана шундай мақсадларни ўзида мужассам этган дастурнинг негизини нималар ташкил қилиши керак ва аввало қандай вазифалар биз учун устувор бўлмоғи лозим?

Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади.

Мустақиллик биз учун аввало ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир.

Мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир.

Айни вақтда мустақиллик биздан зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажаришни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини сўзсиз юклайди.

Бу — узоқ-яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик асосида яшаш, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб обрў ва ўрин эгаллаш учун доим интилиш ва курашиш демакдир.

Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, уни мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг мезони, деб билишимиз керак.

Иккинчи устувор йўналиш. Бу - мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Чунки бу мезонлар ҳар доим ривожланиш ва тараққиётнинг асосий шарти бўлиб келган. Шунинг учун ҳам экстремизм ва ашаддий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига, халқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши изчил курашиш йўлида барча имкониятларимизни ва куч-қудратимизни сафарбар қилиш бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва динлараро тотувликни, фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ягона хонадонимиз бўлмиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг миллати ва дини, ирқи ва жинсига қарамасдан, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш — бу борадаги ишларимизнинг асосий маъно-мазмунига айланиши даркор.

Айни пайтда шуни унутмаслигимиз керакки, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш билан бирга, ички хавфсизлик муаммоларига ҳам ғоят жиддий эътибор қаратмоғимиз шарт. Бу жараёнда ўтмишдан салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва иллатлардан халос бўлиш, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кўринишларига қарши курашиш ва албатта, жамиятни эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш айниқса зарур.

Учинчи устувор йўналиш. Бу - бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат.

Бу йўналиш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Бу борада ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш, миллий валютамиз - сўмимизнинг барқарорлиги ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тараққиётимизнинг янги босқичидаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, экспорт ривожи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашнинг муҳим шарти бўлган хорижий инвестициялар, авваламбор, хусусий сармояларни жалб этиш, бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолатлар яратиш бу борада айниқса катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, ташқи ва ички инвестицияларни бутун иқтисодиётимизни янгилашга, олтин-валюта заҳираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат қиладиган етакчи тармоқларга биринчи навбатда йўналтириш масаласи ҳам доимий диққат марказимизда туриши лозим.

Бундай вазифаларни амалга оширишда халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш, дунё иқтисодий тизимига интеграциялашув, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳам энг муҳим ишларимиз қаторида туради.

Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги тўртинчи ва, ўйлайманки, энг муҳим устувор йўналиш -бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкоралиқни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур.

Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилмоғи лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йўналишда кўп иш қилинмоқда, лекин уларни ҳали олдимизда турган, қилиниши лозим бўлган ишлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Бу тўғрида гапирганда, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бўлган баъзи бир масалалар ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан. Шуни очиқ айтишимиз керакки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда. Шу сабабли улар ўзи учун янги бўлган ҳозирги вазиятда баъзан ҳали ҳам нима қилиш ёки нима қилмаслик ҳақида юқоридан кўрсатма кутиб ўтиргандек кўринади.

Ўйлайманки, ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак.

Шуни айтиш зарурки, бугунги кунда мамлакатимизда ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, юртимиздаги ва чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чуқур тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали журналистларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим: матбуот эркинлигининг кафолати - ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун оммавий ахборот воситалари олдида иқтисодий шериклар топиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Барча оммавий ахборот воситаларига, мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу - жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир.

Ўйлайманки, "Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш вақти етди.

Бу қонун, бошқа кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор ва амалдорлар, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг таъсиридан самарали ҳимоя қилган бўлур эди.

Шунингдек, "Телерадио фаолияти тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тубдан мустаҳкамлайди, деб ўйлайман.

Сизларга маълумки, жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри — фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим.

Яна бир ўта муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш аввало аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ.

Бу масалани ечишда биринчи галда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар - буни тан олиб айтишимиз керак — ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим.

Ишончим комилки, Олий Мажлисимизни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради. Ўйлайманки, сайловлар тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат.

Ёки бошқача қилиб айтганда, бу - **"Кучли давлатдан кучли жамият сари"** деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир.

Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади.

Бунинг учун авваламбор давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай вазиятда давлат тизимининг роли нимадан иборат бўлади?

Бу масалада давлатнинг роли, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун **зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар** яратишга қаратилмоғи даркор.

Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз "Адолат - қонун устуворлигида" деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарур. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ. Мен шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикримни такрорламоқчиман. Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ.

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир.

Аслини олганда, биз аллақачон шу йўлдан бормоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини худудий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тарика давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ каттагина қисми ҳудудлар томонидан назорат қилинмоқда.

Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамларнинг ўзиёқ ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнлар янада ривожланиши

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда).

Шунинг учун ҳам бугунги кунда юридик-ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратишни талаб этади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништириб ва ёритиб борилиши зарурлиги ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим.

Чунки айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу вазифаларни амалда таъминлашда даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Еттинчи устувор вазифа - бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир.

Бу — демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир.

Ўйлайманки, ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқа қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозимлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бу борада бир нарсани ҳеч қачон хаёлимиздан чиқармаслигимиз керак. Юртимиздаги ҳар қайси вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизда шу соҳага атрофлича эътибор берар эканмиз - ҳеч шубҳасиз, аҳолимизнинг, халқимизнинг бунга жавобан миннатдорлигига ва сиёсатимизни қўллаб-қувватлашига эришган бўламиз.

Барчамиз яхши биламизки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида **маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат** каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Мана шу ун буюк қадриятни халқимиз асрлар давомида ҳамиша эъзозлаб келган. **Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун Шарқ фалсафаси ҳам** бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари деб билган.

Мана шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади.

Шу боис ҳам буюк аждодимиз Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридаги билим ва фан, ахлоқ ва маърифат соҳасида юксак даражага кўтарилган жамиятгина ижтимоий тараққиётда самарали натижаларга эриша олиши мумкин, деган фикрида жуда катта маъно бор.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган муҳим тамойил ва устувор йўналишларнинг барчаси, кўриб турганингиздек, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ жамият ва давлат қурилишида, уларни янгилаш ҳамда такомиллаштириш борасида босқичма-босқич амалга ошириб келаётган изчил сиёсатимизнинг аниқ-равшан ва мантиқий давомидир.

Бошқача айтганда, улар ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётимизнинг, бутун дунёда эътироф этилган ўзбек моделининг амалий намоёнидир.

Шу билан бирга, бу устувор йўналишларни бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда хавфсизликка солинаётган таҳдид ва хуружларга нисбатан бизнинг жавобимиз, деб қабул қилмоқ керак. Чунки биз ана шу устувор йўналишларни изчил амалга ошириш натижасида ўзимизнинг асосий мақсадимизга - ривожланган, маърифий, ҳуқуқий демократик давлатларда мавжуд бўлган ҳаёт даражасига эриша оламиз, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш имконига эга бўламиз.

Ҳурматли депутатлар!

Сизлар мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлардан, ўйлайманки, хабардорсиз. Мен бугун, сизларнинг ижозатингиз билан, мана шу жараёнга доир масалалар ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш - Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Мана шундай тамоман янги, профессионал асосдаги армияни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси бир неча йилдан буён бизнинг диққат марказимизда тургани ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Профессионал Қуролли Кучлар деганда биз нимани тушунамиз? Бундан мақсад шартнома-контракт асосидаги ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб биладиган, ҳақиқатан ҳам оғир ва шарафли касб эгаси бўламан, деб интиладиган фуқаролардан ташкил топадиган армияни барпо этишдир.

Содда қилиб айтганда, халқ хўжалигида ҳар қандай мутахассис, мисол учун, қишлоқ хўжалигида агроном бўладими ёки саноатда муҳандис-инженер, қурилиш соҳасида қурувчи бўладими, ўз қобилияти ва салоҳиятини қандай намоён этса, профессионал армияда хизмат қиладиган ҳарбийлар ҳам ўз касб маҳорати ва билимини амалда шундай қўллаш имконига эга бўлсин.

Ҳеч бир касбни камситмаган ҳолда, шуни очиқ айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади.

Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрин ва эътибор топа олсин.

Ҳарбий хизматнинг қанчалик қийин ва масъулиятли, айни пайтда давлат ва жамият учун нечоғли зарур эканини ҳисобга олган ҳолда, бу хизмат учун тўланадиган ҳақ ҳам, рағбату ҳурмат ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Бизнинг ҳарбий қурилиш соҳасида олиб бораётган давлат сиёсатимизнинг асосий мазмун-моҳиятини ҳам ана шунда кўришимиз зарур.

Юртбошимиз комил ишонч билан Ўзбекистон — келажаги буюк давлат эканини эслатиб ва таъкидлаб келадилар. Биз ана шу буюкликнинг илк нишоналарини кўрдик, шу буюклик сари улуғвор йўлнинг дастлабки олтин зиналарига пойқадамимиз текканидан кўксимиз фараҳга тўла.

Мухтарам инсон, Тошкент шаҳримизнинг жонкуярларидан бири Козим Тўлаганов билан учрашиб, шаҳримиз шаънига бир қўшиқ яратиш ғояси туғилган эди. Бу ғоя Козим акага ҳам, менга ҳам тинчлик бермади. Ва ниҳоят қуйидаги матн пайдо бўлган эди ва бу матн қўшиққа айланиб ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ артистлари Муяссар Раззоқова ҳамда Марям Сатторова ижросида янграб турибди. Биз Ватанимиз пойтахтини юқорида айтганимдек, доруссалтанат қиёфасида зуҳур этамиз. Узоқ ва яқиндан келган ҳар хил миллатдаги ҳар қандай одам авваламбор пойтахтга қадам қўяди. Тақдирнинг буюк илтифотини қарангки, Ер юзидаги бирор давлатда расмий равишда буюк эҳтиром шоирга кўрсатилган эмас. Жаҳон халқлари Ўзбекистонга, Тошкентга қадам қўяр эканлар, ўз эҳтиромларини улуғ шоир Алишер Навоийга кўргизадилар. Демак, Тошкентимизнинг равнақи наинки бизнинг буюк шаҳарсозлигимиздан дарак беради, балки у жаҳоншумул гуманизмга, инсонпарварлик ғояларига хизмат қилаётир. Шаҳримизнинг янги қиёфасига боққанда хаёлимдан бир нарса ўтади. Тошкентнинг янги кўриниши менга негадир Вашингтонни эслатади. У ҳам бу ҳам нисбатан янги шаҳарлар. Яъни режа билан қурилган иморатлар, аҳоли яшайдиган кварталлар ушбу шаҳарларни қандайдир даражада яқин қилаётир. Фикримни янада тиниқроқ билдириш учун ўхшатиш келтирмоқчиман. Ҳар қанча ноёб бўлмасинлар замон тақозоси билан бунёд бўлган Вашингтон ва Тошкентнинг жин кўчалари орасида албатта фарқ бор. Тошкент қуёшга бағрини кенг очган, истиқболини теран тушунган ва унга ишонган бир гўзал ва ўзбекона шаҳардир. Эскилар Тошкентдек шаҳри азимга олти марта Ҳизр Алайҳиссаломнинг қадамлари теккан дейишади. Яқинда бир муҳтарам қария айтдики, Ҳизр ҳазратлари еттинчи маротаба ҳам қадам қўйди. Бунинг натижаси — шу дориломон кунлар, муҳтарам Юртбошимиз пойқадамлари билан бошланган шу қутлуғ замонларда яшаётганимиздир. Бу албатта ҳаққоний гап.

Дилором ИКРОМОВА
суҳбатлашди

Абдулла ОРИПОВ
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири

Тошкентим

Истиқлол шавқида жўшган Тошкентим,
Юртбошим назари тушган Тошкентим.

Тонгда салом билан балқади қуёш,
Унга пешвоз чиқар аввал кўҳна Шош.

Буюк кошоналар, кенг, равон йўллар,
Чаманзор боғларим, фаввора, қўллар.

Мангу чарақлагай жамолинг сенинг,
Юртим камолидир камолинг сенинг.

Истиқлол шавқида жўшган Тошкентим,
Юртбошим назари тушган Тошкентим.

***

Тошкентим, Тошкентим Онажон,
Элларга меҳрибон, жонажон.
Ўзбегим фахрисан, Пойтахтим,
Маърифат зиёга бой тахтим.

Нақарот:

Қадимий Шош шаҳрим,
Юртимда бош шаҳрим.
Истиқлол йўлида
Довонлар ош шаҳрим.

Сен улуғ аждодлар макони,
Озод, тинч авлодлар ошёни,
Меҳмондўст халқимнинг шонисан,
Табаррук Тошкентим нонисан.

Нақарот:

Дарёдек жўш урган кўчалар,
Чарогон юлдузли кечалар.
Саньатим, нурафшон пешонам,
Сен ўзинг энг олий кошонам.





Мамлакатимизда Мустақиллигимиздан сўнг фан-техника соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда, катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу борада республикамиз олимларининг фанимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссалари таҳсинга сазовор бўлаётир. Бугун айни Истиқлолимиз шодиёналари арафасида биз шаҳримиздаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, физика-математика фанлари доктори Саъдулла ЛУТФУЛЛАЕВга бирлашмада олиб борилаётган илмий изланишлар, янгиликлар хусусида бир нечта савол билан мурожаат этдик.

МУСОҲАБА

Дадил одимлар

— Саъдулла Лутфуллаевич, Мустақиллигимиздан кейинги йилларда бирлашмада фанимиз тараққиёти йўлида қилинаётган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида гапириб берсангиз.

— «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг етакчи илмий муассасаларидан бири ҳисобланади. Унда беш асосий йўналиш: юқори энергиялар физикаси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, қаттиқ жисмлар назарияси, қуёш энергиясини қайта ўзгартириш, тўпланган қуёш нурлари ёрдамида янги материаллар ҳосил қилиш ва уларни халқ хўжалигида қўллаш бўйича фундаментал тадқиқотлар ва илмий-техник ишланмалар яратиш бўйича изланишлар олиб борилади.

Бирлашмамиз кучли илмий салоҳиятга эга бўлиб, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 5 академиги, 25 фан доктори ва 50 дан ортиқ фан номзодлари фаолият олиб бормоқдалар. Ҳар йили олимларимиз томонидан ёзилган кўплаб илмий мақолалар жаҳоннинг нуфузли журналларида ҳам чоп этилмоқда, турли ишланмалар яратилиб, халқ хўжалигига жорий қилинади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, бирлашмамиз ходимлари Ватанимиз фанини янада тараққий эттириш, жаҳон андозалари даражасида янгидан-янги ишланмалар яратиб, Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Мустақиллик туфайли, олимларимизга чет эллар билан илмий алоқалар ўрнатишга кенг имкониятлар очилди. Шу вақтгача бирлашмамизда чет эл илмий марказларининг НАТО, ИНТАС, ИНКОКОПЕРНИКУС, CRDF каби 30 дан ортиқ грантлари асосида илмий ишлар бажарилди. Бу борада айниқса физика-математика фанлари доктори Ф.Абдуллаев бошқариб келаётган лаборатория ходимларининг фаолиятлари ҳар томонлама ибратлидир. «Оптик солитонлар» лойиҳаси учун унинг томонидан СОРОС жамғармаси гранти олинди, кейинги йилларда бу лаборатория ходимлари уч марта CRDF гранти, икки марта ИНТАС ва НАТО грантлари, Буюк Британия қироллик жамияти гранти ва Малайзия Университети гранти соҳиби бўлишди.

Ҳар йили АҚШ, Англия, Франция, Германия, Италия, Ҳиндистон, Хитой ва Швейцария каби давлатлардан мутахассислар бирлашмамизда бўладилар, бизларда бажарилаётган илмий ишлар билан танишадилар. Бу мустақилликка эришган Республикамизнинг фани истиқболларидан далолат бўлиб, чет эл олимларида ҳам катта қизиқиш уйғотганлигини кўрсатади. Бу алоқалар кейинги йилларда янада мустаҳкамланиб бормоқда.

— Бугунги кунда бирлашмада олиб борилаётган илмий изланишлар, ишлаб чиқаришга татбиқ қилинаётган янги ихтиролар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз?

— Бирлашмамизда академик М.Саидов таҳрири остида халқаро «Гелиотехника» журнали чоп этилади. Бу журнал узоқ хориж мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотганлиги сабабли, шартнома асосида АҚШнинг «Аллертон пресс» фирмаси томонидан инглиз тилига ўгирилиб, чоп этилади ва чет элларда тарқатилади. Бу бизнинг олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий изланишларга узоқ хорижда бўлаётган катта қизиқишнинг яна бир далилидир.

Ярим ўтказгичлар физикаси соҳасидаги изланишлар қўлами ва олинган натижалар бўйича бирлашмамиз республикада етакчи ўринларни эгаллайди. 1996 йилда лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор С.Шомирзаев «Гетероген материалларнинг чарчашдан шикастланиши» мавзусидаги лойиҳаси учун Халқаро «БОИНГ» корпорациясининг грантига сазовор бўлди. Бу лойиҳа мураккаб механик конструкциялар (учувчи жисмлар — самолётлар, планерлар, вертолётлар, автомобиль, нефть ва тоғ-кон саноати қурилмалари) учун ўта муҳим бўлган материалларнинг чарчашдан шикастланишини назарий тадқиқ қилишга қаратилган.

ИНТЕРНЕТ тармоғини вужудга келтириш ва ривожлантириш учун олинган грантлар, айниқса, диққатга сазовордир. 1998 йилда бирлашмамиз ИНТЕРНЕТ компьютер тармоғини вужудга келтириш учун 80 минг АҚШ доллари миқдорида НАТО грантига сазовор бўлди ва ажратилган маблағга ИНТЕРНЕТ тармоғи яратиш учун керакли ускуналар харид қилинди ва бирлашмамизда ўрнатилди. Аввалига бирлашмамиз лабораториялари, сўнг ходимларимизнинг жонбозлиги туфайли, Фанлар академиясининг барча институтлари ИНТЕРНЕТ тармоғига уланди. Кейинчалик, бу тармоқни ривожлантириш учун СОРОС жамғармаси гранти ва БМТ «Тараққиёт дастури» томонидан 500 минг АҚШ доллари ҳисобида грантлар олиниб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ИНТЕРНЕТ тизимидан ўнлаб ўқув юртлари фойдаланмоқда ва улар шу тизимга улаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, бирлашмамизда маҳаллий хом ашёдан тайёрланадиган, яратиш технологияси ва таркиби патентланган техник керамикадан ясаш мумкин бўлган яна қатор илмий ишланмалар мавжуд бўлиб, улар халқ хўжалигимизнинг турли тармоқларида қўлланилмоқда. Булар жумласига енгил саноат, тиббиёт, энергетика, нефть ва газ корпорацияси ва бошқа корхоналар учун ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуна ва бошқа жиҳозлар киради.

Бирлашмамиз олимлари ўз тадқиқотлари асосида ишланмаларини бошқа давлатларга ҳам етказиб бермоқдалар. Ўтган йили Миср Араб Республикаси Тиббин Металлургия институти билан «1500 Вт қувватга эга бўлан кичик қуёш печи яратиш» мавзусидаги қиймати 50000 АҚШ доллари бўлган шартнома имзоланиб, амалга оширилди. Шу йил Ўзбекистон-Ҳиндистон ўзаро ҳамкорлик маркази билан, Ҳиндистон учун «Юқори ҳароратли Қуёш печида махсус энергетик тартиб яратиш» мавзусидаги иш бажариш учун қиймати 3 миллион сўм бўлган шартнома имзоланди.

Бирлашмамизда яратилган ишланмалардан яна бири — нур билан даволовчи қурилма бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қайд қилиш гувоҳномаси берилган ва бир неча шифохоналарда синаб кўрилган. Бу қурилма ёрдамида инсоннинг таянч-ҳўғатув аъзолари касалликларини даволашда фойдаланилмоқда. Бундай усул билан даволаш қўшимча асоратлар келтириб чиқармаслиги билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, бирлашмамиз олимлари Мустақиллигимизнинг 11 йиллигини муносиб кутиб олишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир ходимларимиз 2003-2010 йилларга қилинадиган ишларни режалаштирмоқдалар. Бунда асосий эътибор фундаментал тадқиқотлари жаҳон андозалари даражасида бажариш билан биргаликда илмий-техник изланишлар, жумладан энергия ва бошқа ресурсларни иқтисод қилувчи технологиялар яратиш ва халқ хўжалигига татбиқ қилишга қаратилган.

Гулором АКРОМОВА
суҳбатлашди.

ИСТИҚЛОЛ — ТАҚДИРИМДА

•Холхўжа УМАРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, қурувчи:

— Мустақиллик йилларида тобора кўркамлашиб, яшнаётган ва ёшараётган Тошкентимиз барчамизнинг дилимизда фахр туйғуларини уйғотаётгани, шубҳасиз. Мустақилликнинг 11 йили мобайнида қад ростлаган ўнлаб қадди ва қадри баланд иншоотларимиз унинг хусн-жамолини бутун оламга ёймоқда.

Не бахтки, ана шундай кўркам, салобатли бинолар қурилишида биз бунёдкорларнинг муносиб ҳиссамиз бор. Чунки орзиқиб кутилган Истиқлол барча соҳа ходимлари қаторида биз қурувчиларга ҳам яратувчанлик бахш этди, ўз мустақил диёримизни яшнатиш ишқини қалбимизга жо этди. Ҳунаримизни ишга солиш учун эса барча шарт-шароитлар муҳайё. Яна бир қувонарлиси, мустаҳкам иморатларни тиклаш учун замонавий қурилиш ашёлари ҳам ўзимизда тайёрланмоқда. Бунёдкорлик майдонларида миллий меъморчилик анъаналари ҳам кенг қўлланилмоқда.

Мен яна шуни ғурурланиб айта оламанки, Мустақиллик менинг ҳаётимга ҳам унутилмас лаҳзаларини муҳрлади. Элимга, юртимга танитди. Мендай бир оддий қурувчи, ўзбек ўғлони «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор бўлдим. Ушбу ном мени яна ҳам юксак-юксак парвозларга ундамоқда. Токи билагимда куч-қувватим бор экан она Ватанимни яшнатиш ишқи билан ёнаман. Мана бу йил қутлуғ айёмимизга яна бир йил қўшилди. Истардимки ҳар бир йилнинг излари муаззам ва қутлуғ келсинки, ушбу излар боқий Мустақиллигимизни таъминласин. Биз ҳам ана шундай ўлмас, асрлар оша яшайдиган иншоотларимизни келгуси авлодларга мерос қолдирайлик.

•Дилбар ТОҲИРОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими:

— Кўп йиллардан буён момоларимиздан мерос — чеварлик касбини улуғлаб келар эканман, меҳнатимнинг баҳосини Мустақиллик берди. Мендай оддий тикувчининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» унвонига сазовор бўлишим бахтимдан нишона, Истиқлолимиз шарофатидир.

Мустақиллик йилларида ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Айниқса, она ва болаларга, нуроний қарияларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, соғлом авлод тарбияси, фарзандларимиз камоли йўлидаги саъй-ҳаракатлар юртимизнинг эртанги истиқболидан дарак беради. Зеро, бу истиқболни ҳар биримиз ўз соҳамиздаги самарали меҳнатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан янада нурафшон эта оламиз. Шу боис ҳам қутлуғ кунларга, улуғ шодиёналарга яхши ниятлар ярашади. Эзгуликлар билан йўғрилган Истиқлолимиз барчамизга муборак бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН

Жаҳон бозорида ўз ўрнига эга

Мустақил диёримизда хорижий инвесторларга яратилаётган шарт-шароитлар, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик чет эл компания ва фирмалари билан ҳамкорликни ривожлантиришда, улар билан биргаликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар сонининг ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жанубий Кореянинг машҳур «Кобул-текстайл» компанияси билан ташкил этилган «Кобул-Ўзбек Со» қўшма корхонаси бунга ёрқин мисолдир.

Айни кунларда 4000 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу корхона маҳсулотларининг 95 фоизи хорижга экспорт қилинаётганлиги, океанлар оша ўз харидорига эгалиги билан ажралиб туради. Энг қувонарлиси, корхонанинг 50 фоиз маҳсулоти Франция, Германия сингари Европа, 15 фоизи Америка, 30 фоизи Осиё давлатларига экспорт қилинмоқда. «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси остида ишлаб чиқарилаётган 15 турдаги ип-калава ва 10 хилдаги бўз матолар жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатига етказиб берилмоқда. Ушбу сифатли маҳсулотлар Япония, Германияда тайёрланаётган ана шундай маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади.

— Энг муҳими Тўйтепа ва пойтахтимиздаги цехларимизда маҳаллий йигит-қизларимиз замонавий хориж дастгоҳларини бемалол бошқаришмоқда, — дейди корхона директори Йўлдош Полвонов. — Ушбу корхоналаримизда аввалига 65 та Кореядан келган мутахассислар фаолият кўрсатишган бўлса, ҳозирда уларнинг 23 нафари ишламоқда. Бу, албатта, маҳаллий мутахассисларимизнинг ишни пухта ўзлаштириб олганидан далолатдир.

Цехларимиз Япония, Бельгия, Швейцария, Германия ҳамда Жанубий Кореядан келтирилган энг замонавий тўқимачилик дастгоҳлари билан жиҳозланганлиги, ҳам технология, ҳам меҳнат интизомининг мустаҳкамлиги самарали иш юритишимизда қўл келмоқда. Ўтган йилдан бошлаб тўла қувват билан ишлай бошладик ва 83 миллион долларлик сифатли маҳсулотимизни экспорт қилишга муваффақ бўлдик. Энг қувонарлиси шундаки, маҳаллий хом ашёни эмас, балки ундан тайёрланган сифатли маҳсулотни четга чиқариб, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшаётганимиздир. Негаки ип-калава пахта хом ашёсидан 2 баравар, мато эса 4 баравар қимматга сотилади.

Фаолият бошлаганига 3 йил бўлаётган корхонада йил сайин маҳсулот турларини кўпайтиришга, унинг харидоргир, жаҳон андозалари даражасига мос хилларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Корхонада компьютерлар «Интернет» тармоғига уланган бўлиб, шу асосда бугунги жаҳон бозори талаби, сифатга эътиборни кучайтириш зарурлиги, маҳсулотнинг қандай турини яратиш лозимлиги ҳар куни, ҳар соатда ўрганиб борилади. Шу боис бўлса керак жорий йилда ҳам бир нечта рақобатбардош маҳсулот турлари технологияси ишлаб чиқилди. Маҳсулот сифати эса корхона лабораториясида кўрикдан ўтади. Айниқса, ҳозирда ингичка ип-калаванинг бозори чаққон.

Айни кунларда 3 сменада фаолият кўрсатаётган қўшма корхонада кунига 110 тоннадан ортиқ ип-калава ҳамда 80 минг метр бўз матоси тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган 7 ойида 35 миллион долларлик маҳсулот уч қитъа давлатларига экспорт қилинди.

Албатта, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун асосий хом ашё — пахтанинг сифатига ҳам эътибор қаратиш доимий назоратда. Бунинг учун корхона мутахассислари республикамиздаги пахта тозалаш заводларига юборилади ва мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда сифатли хом ашё, технологик ускуналар, кадрлар малакаси билан биргаликда иш бошқарувидаги мустаҳкам тартиб, технологик жараёнларнинг ниҳоятда кучли назорат остида эканлиги ҳамда энг муҳими ишчи-хизматчиларга мос меҳнат ва дам олиш шароитлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишчилар беғубор иш кийимлари, бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Шунингдек, профилакторий-санаторийларда дам олишлари ҳам ташкиллаштирилган. Корхона автобуслари уларни ишга ва уйларига элтишда беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Яна муҳим масалалардан бири кадрлар тайёрлашга ҳам эътибор билан ёндошилиб, ҳар сешанба ва жума кунларида ўқув машғулотлари мунтазам равишда ўтказиб бориляпти. Аввалига мутахассислар Кореяда ўз тажрибаларини орттирган бўлсалар, эндиликда кадрлар корхонанинг ўзида ўқитиляпти.

Шуни яна бир бор алоҳида таъкидлаш ўринлики, фақат Мустақиллик туфайлигина «оқ олтин»имиз қайта ишланиб хорижга маҳсулот тарзида сотилмоқда, жаҳон бозорида ўз ўрни, қадрига эга бўлмоқда. Бу ўринда иқтисодий соҳадаги ислоҳотларимизнинг изчил амалга оширилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Келгусида эса «Кобул-текстайл» компанияси билан тўқимачилик соҳасида яна янги корхоналар очиш кўзда тутилган. Бу, албатта мустақил диёримиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим ҳисса бўлиши, шубҳасиз. Ўзбекистонлик оловқалб йигит-қизларимиз бошқараётган энг замонавий дастгоҳларда меҳр билан яратилаётган маҳсулотлар юксак ўринларни эгаллашига шубҳа йўқ. «Кобул-Ўзбек Со» қўшма корхонасининг ибратли фаолияти ана шундан яққол дарақдир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: ўраш цехи илғорлари (чапдан) Наргиза Расулова, Феруза Мелихова ва Осиё Чиннибоевалар сифатга алоҳида эътибор қаратишади; тараш цехи смена сардори Озода Алимбоева хорижий дастгоҳлар сирини жуда пухта ўзлаштириб олган.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Мустақилликнинг ҳуқуқий асослари

Мустақиллик нима? Мустақиллик бу — истиқлол, бу — суверенитет. Суверенитет эса халққа, миллатга ва давлатга хосдир. Давлат суверенитети ҳақида Ўзбекистон Конституциясида асосий принциплар баён этилган бўлиб, «Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», дейилган. Ўзбекистон халқи инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб келмоқда.

Ўзбекистонда Мустақиллик 11 йил ичида нималар берди? деган ўринли саволнинг туғилиши табиий. Дарҳақиқат,сўнгги ўн бир йил ичида республикамизда мисли кўрилмаган, бир қанча асрларга тенг воқеалар бўлиб ўтди.

Айниқса миллий давлатчилик ва қонунчилик ҳамда халқаро ташқи сиёсат борасида катта ютуқларга эришдик. 400 га яқин янги қонун ва минглаб давлат қарорлари қабул қилинди.

Ташқи сиёсатда, бозор иқтисодиётини такомиллаштириш борасида, мустақил демократик ҳуқуқий давлат, фуқаровий жамиятни шакллантириш соҳасида, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўналишида оламшумул ишлар қилинди. Ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойиллари: бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, унинг ҳуқуқий асосини яратиш, XXI асрда келажаги буюк давлат яратиш муаммоларини ечиш негизи яратилди.

Ислоҳотнинг биринчи босқичи тугаб иккинчи босқичга ўтди. Мустақиллик учун ҳаракат асосан 80-йиллар охирларида бошланди.

Келинг, кейинги ўн йиллар ичида амалга оширилган энг муҳим ишларга назар ташлайлик.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда Мустақилликнинг асосий белгисини ташкил қилувчи Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Давлат тили Ўзбек тили эканлиги қайд этилди.

1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Унинг кириш қисми Конституциямиз муқаддимасига киритилди.

1991 йил 31 августда учта тарихий ҳужжат қабул қилинди: Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти; Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида Олий Кенгашнинг Қарори; Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонуннинг 17 та моддасида давлат суверенитет тамойиллари эълон қилинди.

1991 йил 30 сентябрда «Инсон ҳуқуқлари Декларацияси» ратификация қилинди. Шу куни марказий майдон Мустақиллик майдонига айлантирилди; Хавфсизлик вазирлиги ташкил топди; Давлат байроғи тўғрисида Қонун қабул қилинди.

1991 йил 29 декабрида Умумхалқ Референдуми ўтказилиб, мустақиллик асосида Президент сайланди.

Шу йилни 31 декабрида биринчи бўлиб АҚШ бизни Де-юре тан олди. Ҳозир Ўзбекистонни 176 дан ортиқ мамлакат тан олди ва дипломатик алоқалар ўрнатди.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлди.

2 июлда Давлат герби тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

1992 йил 8 декабрда Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Мустақил давлатининг биринчи Конституцияси қабул қилинди ва шу кун байрам деб эълон этилди.

11 декабрда Давлат мадҳияси тасдиқланди.

1993 йил 1 январда Президентимиз биринчи маротаба «Давлат бош ислоҳотчи» деган фикрни илгари сурдилар.

1996 йил 19 июлда улкан замонавий автомобиль заводи «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлди.

18 октябрда Темурийлар тарихи Давлат музейи очилди. Амир Темур хиёбони гўзал бир узуқ бўлса, бу музей шу узуқнинг ёқут кўзига айланди.

31 октябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республика Миллий марказини тузиш тўғрисида Фармон эълон қилинди.

1997 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш, «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат — Фармон чиқди.

29 августда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги Қонун тасдиқланди.

4 ноябрда Ўзбекистон ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг аъзоси этиб сайланди.

1999 йил 9 майда Хотира ва Қадрлаш куни илк бор нишонланди.

2000 йил 12 майда Юнусободда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги очилди. Унда Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлади.

2002 йил Референдум ҳақидаги қонун, Референдум якунлари ҳақидаги Қонун қабул қилинди. Олий Мажлисни икки палатали Парламентга айлантириш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Қонунчилик ва жазо қонунчилиги эркинлаштириш тўғрисида, Прокуратура тўғрисида янги тахрирда қонун қабул қилинди. Суд тизими янада такомиллаштирилди.

Мириной ФАЙЗИЕВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори,
Дилфуза АВАЗХЎЖАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқитувчиси.

ЭЪТИРОФ

Улкан зафарлар ёр бўлсин

Жамил Саид Иброҳим ФАЙД,
Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва мухтор элчиси:

—Миср ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон халқига кириб келаётган Мустақиллик байрамининг 11 йиллиги муносабати билан ўзимнинг энг самимий, қизғин табрикларимни йўллашдан мамнунман. Мустақиллик энг азиз, энг муҳим тушунчалардан биридир. Мустақил халқ юрт фаровонлиги борасидаги барча ишларни ўз иродаси ила эркин амалга ошира олади, ўз Ватанини тараққиёт сари бошлайди. Мустақилликка эришиш бу халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишда, ўзига керакли раҳбарларни танлашда, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини белгилашда, маданий ва маърифий тараққиёт йўлини танлашда эркин йўл тутиш, ўзгаларнинг тазйиқидан ҳоли бўлишни англатади.

Мен дўст Ўзбекистон халқига мустақил тараққиёт йўлида улкан муваффақият ва зафарлар, фаровон турмуш, тинчлик ва барқарорлик тилайман. Ўзбекистон Мустақиллиги абадий бўлсин!

Дмитрий РЮРИКОВ,
Россиянинг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва Мухтор элчиси:

«Оқшом» газеталарининг муштарийларини, бутун пойтахт аҳлини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни билан чин кўнгилдан муборакбод этаман.

Соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик барчангизга ёр бўлсин.

Мустақиллик, жамиятни демократлаштириш, тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширган ҳолда йилдан-йилга тараққий этиб, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасида нуфузи ошиб бормоқда. Ўйлайманки, Ўзбекистон ҳукуматининг тинчликпарварлик ташаббуслари, ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат келажакда мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашга имкон беради, балки давлатингизни жаҳондаги энг фаровон мамлакатлар қаторига киришига йўл очади.

Ефим КИЛАРЬ,
Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва Мухтор элчиси:

— Биз Ўзбекистон тараққиётини муфассал кузатиб борамиз, дўст мамлакатнинг муваффақиятларидан қувонамиз ва фахрланамиз.

Молдовада юртингиз томонидан танланган йўл ҳамда иқтисодий ва сиёсий ривожланиш концепцияси келгуси ўн йилликда Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи мамлакатлари қаторига киришига имкон беришига чуқур ишонч ҳислари мавжуд. Бунинг учун барча асослар: серҳосил замин улкан илмий салоҳият, мустаҳкам тарихий анъаналар, қадимий маданият мавжуд.

Шунга ишончим комилки, Молдова Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик алоқалари келгусида ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз бахти йўлида янада ривожланади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини миллий байрам — Республика Мустақиллиги куни билан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва фаровонлик тилайман.

ИСТИҚЛОЛ — ТАҚДИРИМДА

• Баҳодир МИРҲАБИБОВ, «Энг яхши тадбиркор»:

— Не бахтки, Мустақиллик шарофати билан ўзлигимиз намоён бўлмоқда. Тадбиркор аждоднинг фарзандлари эканлигимизни ҳар соҳада кўрсатмоқдамиз. Тадбиркорнинг омади борлиги, унга толе ёрлиги юртимизда Мустақиллик боис уларга яратилаётган шарт-шароиту кўрсатилаётган ғамхўрликларда намоён бўлмоқда.

Президентимиз ҳар бир чиқишларида ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожи, унга қаратилаётган эътибор ҳақида алоҳида тўхталадилар. Бундай эътибор қалбида юрт ишқи, яратиш иштиёқи ёнган ҳар бир тадбиркорни меҳнатга, яхши ишларга ундаши, шубҳасиз. Мана бир неча йилдирки, мамлакатимизда «Ташаббус» кўрик-танловининг ўтказилаётгани ҳам иқтисодиёт равнақига муносиб улуш қўшаётган тадбиркорларни юзага чиқармоқда, эл-юртга танитмоқда. Мен раҳбарлик қилаётган «Мирсазава» хусусий фирмаси ҳам кўрик-танловнинг пойтахт босқичида ғолибликни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди. Албатта, бунинг боиси ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифати, рақобатбардошлиги ва хориждан келтирилаётган яна шундай асбоб-ускуналарнинг ўрнини босишидир.

Бир сўз билан айтганда, Истиқлол тадбиркорнинг йўлини ёритди. Энди ана ўша ойдин йўлдан дадил қадам ташлаб Ўзбекистонимиз довруғини жаҳонга ёйиш бизнинг бурчимиздир.

2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Икки аср билан юзлашган отахон

Хонадонларимиз кўрки, зийнати бўлган, эзгу ишларимиз дуогўйи, яқин маслаҳатгўйимиз, нуроний, пиру бадавлат отахон-онахонларимиз ҳамиша иззат-ҳурматда, эъзозда. Айниқса, жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуслари билан Қарияларни қадрлаш йили деб номланиши кексаларимизнинг кўнгилларини тоғдек кўтариб, қувончга тўлдирди. Зеро, «Қариси бор уйнинг париси бор», деганларидек, улар бор жойдан файзу барака асло аримайди. Қутлуғ кунлар арафасида мухбиримиз пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 1-Қатортол маҳалласида истиқомат қилаётган юз ёш билан юзлашган табаррук отахон Абдулла Абзаловнинг файзли хонадонида бўлиб, унинг дил сўзларини ёзиб олди.

— Шундай дориломон кунларга етказгани учун худога шукур, Юртбошимизга ҳам минг раҳмат. Ҳаёт сўқмоқларида ўзига яраша тажриба орттириб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган биз кексаларга ғамхўрлик, эътибор кўрсатган, дуосини олган юрт асло кам бўлмайди. 7 нафар азиз фарзандларим бор, 40 набира, 65 эвара ҳамда 7 чевараларнинг эъзозидаман. Фарзандларимнинг онасини Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, у билан икки қизимизни турмушга бердик, беш ўғилни эса ўқитиб, олий маълумотли қилдик. Фарзандлар тарбиясида ниҳоятда вазмин, мулойим ҳамда сабр-бардошли бўлдик.

Мен Президентимизни доимо дуо қиламан. Чунки Истиқлол туфайли мусулмонларнинг эзгу ниятлари амалга ошиб, муборак Ҳаж сафарларини амалга оширяптилар. Ёшларнинг энг иқтидорли, билимли, гўзал хулқлилари чет элларда таҳсил олиб, ўз она юртини янада обод қилиш йўлида астойдил меҳнат қилишяпти. Озодликнинг, бугунги шукуҳли кунларнинг қадрига етиш керак. Алғов-далғовли йилларни, урушларнинг даҳшатларини биз кўрдик, илоҳим сизлар асло кўрманглар дейман, азиз болажонларим.

— Отахон, узоқ умр кўриш сири нимада деб ўйлайсиз?

— Аввало бу яратгандан, қолаверса одам ҳар бир нарсада меъёрни билса, яъни еб-ичишда, муомалада, ишда, оилада, кўчада, умуман яқинларига меҳр берса, ҳалол, диёнатли бўлса, фарзандларидан, яқинларидан ҳам меҳр олиб яшаса, умри зиёда бўлади. Умрим давомида иложи борича мулойим, вазмин бўлишга ҳаракат қилдим. Фарзандлар, набираларимга ҳадислар, ривоятлардан сўзлаб бераман ҳамда уларни доим ҳалоллик, шукроналикка чақираман. Вақтида илм олиш, касб-ҳунар эгаллашга ундайман.

— Абдулла ота, қандай эзгу ниятларингиз бор?

— Ўғилларимнинг далаҳовлилари бор, ўша жойларни ўзим бош бўлиб обод қилиб, боғ-роғ яратсам-да, меваларидан татиб кўриш насиб этса, деб ният қилганман. Инсон ҳаёт экан, у ёшми, кексами, орзу-ўйлари, армонлари бўлади. Мен ёшларни доим яхшиликка, ҳалолликка интилишга ундайман. Ҳаракатда — баракат. Фақат интилиш, эзгуликка интилиш керак.

Ушбу файзли хонадондан қайтар эканмиз кексалик, нуронийлик гаштини сураётган, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган табаррук отахоннинг дуолари қалбимизни қуёшдай ёритди.

— Ҳар бир инсон ўйлаган ниятига етсин. Ҳар бир оилада қариялар иззату эъзозда бўлсин, ҳаммамизнинг дастурхонимизга барака ато этсин, барчамизга бахт-саодат ёр бўлсин, жаннатмисол юртимиз — Ўзбекистонни ёмон кўзлардан асрасин.

Муқаддас УМАРБЕКОВА
СУРАТДА: Чилонзор туманидаги 1-Қатортол маҳалласида истиқомат қилувчи 101 ёшли Абдулла ота Абзалов чевараси билан. Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ



Мақсад сари интилиш

Мустақиллик шарофати-ла жонажон Ватанимизнинг иқтидорли, зукко ёшлари юксак билим чўққиларини забт этиб, замонамизнинг энг илғор ютуқларини мукаммал эгаллаб мамлакатимизнинг довруғини дунёга ёйишга интилмоқдалар. Республикамизнинг маънавий-маърифий ва маданий салоҳияти, заковати, ғурури тимсоли бўлмиш 500 нафардан ортиқ йигит-қизларимиз «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан хориждаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқишларини муваффақиятли тугатиб, мамлакатимиз вазирлик идора ва ташкилотларида самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Ана шундай ёшлардан бири, бугунги суҳбатдошимиз, «Умид» жамғармаси гранти соҳиби бўлган Рустам Сафарбоев Тошкент Давлат техника университетининг бакалавриатурасини маркетинг — менежмент мутахассислиги бўйича битириб, Буюк Британиянинг Ноттингем трент университетига магистратурада ўқиш учун йўлланма олган ва уни муваффақиятли тамомлаб қайтган. Ҳозирги кунда Рустамжон Ўзбекистон Республикаси «Ўзавтойўл» Давлат концерни маркетинг департаменти бошлиғининг ўринбосари.

— Рустамжон, «Умид» жамғармаси гранти соҳиби бўлиш истаги сизда қачон пайдо бўлди?

— Мутахассислигим бўйича университетнинг бакалавриатурасини тамомлаган йилим ўзимга маъқул иш топишга ҳаракат қилдим. Ўша йили факультетимизнинг кўплаб йигит-қизлари «Умид» жамғармасининг йўлланмалари билан дунёнинг машҳур олий даргоҳларида ўқиш учун жўнаб кетдилар. Уларни кузатаётиб менда кучли иштиёқ алангаланди.

«Умид» жамғармасининг танлов синовлари халқаро андозаларга мос йўсинда амалга оширилади ҳамда унда ютган талабалар анчагина имкониятларга эга бўладилар. Мен биринчи ва иккинчи йиллари синовдан ўтолмадим. Лекин интилишимдан чарчамадим ҳамда учинчи йили жамғарманинг гранти соҳиби бўлдим.

Яна қайси хориж давлатларида бўлгансиз?

— Мен Малайзия, Сингапур давлатларида ҳам бўлганман. Буюк Британияга келганимизда у ернинг одамлари мени ҳайратлантирди. Улар билан суҳбатлашганимизда миллатимизни суриштиришарди-да, аждодларингиз кимлар деб сўрашарди. Имом ал-Бухорийни тилга олганимизда улар миллатдошимизнинг бир нечта асарларини номма-ном санаб, бизларга ҳавас билан қарардилар. Ўшанда мен биз буюк аждодларимиз билан нафақат фахрланиб, мағрурланишимиз, балки уларнинг бой, ўлмас меросларини ўрганишимиз кераклигига яна бир бор амин бўлдим.

— Ўзингиз фаолият кўрсатаётган «Ўзавтойўл» Давлат концерни ва у ердаги иш шароитлари ҳақида тўхталсангиз.

— Бизнинг соҳа мутахассислари йўл қуриш, яъни унинг ўтиш жойи, аҳолига қулайлиги, табиат инжиқликлари, ишлатиладиган материаллар сифати, у йўлнинг ишга тушганда қанчалик самарали бўлиши каби барча мураккаб томонлари жуда изчил ўрганиб чиқилади. Концернимизда мен каби хорижда жамғарма йўлланмаси билан ўқиб қайтган ёшлар анчагина. Биз учун иш шароити яхши ташкил этилган.

— Мазмунли суҳбат учун раҳмат.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

ИСТИҚЛОЛ — ТАҚДИРИМДА

•Дилором ШАРИПОВА, педагогика фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг профессори, Халқаро педагогика таълими академиясининг академиги:

— Мустақиллик туфайли обод ва озод ҳур Ўзбекистонимизда ҳар бир жабҳада тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳамда янгиликка интилиш талаб қилинмоқда. Аввало илмий, ижтимоий ва педагогик фаолиятим давлатимиз томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қарорларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган.

Истиқлол шарофати билан маъруза ва амалий машғулотларни ноанъанавий усулда, яъни янги технологияларга асосланиб олиб боришга ҳаракат қиляпман. Шу йўл билан талабаларнинг фанимга бўлган қизиқишини орттириб, уни ўзлаштириш ва келгусида касбий фаолиятларида шу билимларни амалда шакллантириб қўллашларига умид қиламан.

Ўқитадиган фаним давлатимиз сиёсатига айланган. Яъни, соғлом авлодни тарбиялашда оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ва аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган. Ёшларнинг илмга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаган ҳолда докторантлар, аспирантлар, изланувчилар, магистрларга илмий раҳбарлик қиламан.

Республикага хорижий жамғармалар лойиҳаларини татбиқ этишда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ишлаяпман.

Шахсий ҳаётда ҳам жуда бахтли аёлман. 90 ёшдан ошган табаррук, мўътабар пиру бадавлат ота-онам, эл хизматида бўлган жондан азиз уч нафар фарзандларим ҳамда ширинган-шакар набираларим бор.

•МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

— Мен ўзимни бахтлиман, деб баралла айта оламан. Чунки жаннатмонанд она юртим — Ўзбекистон мана ўн бир йилки, мустақил, ҳур ва озод ҳамда ободдир. Айниқса, унинг маёғи, пойтахти бўлган қиёси йўқ гўзал, тароватли Тошкентдай шаҳар ҳеч қаерда йўқ! Мен мана шу қадимий ҳамда ҳамиша навқирон, қадрдон шаҳарда туғилдим ва бутун умрим шу ерда ўтмоқда.

Истиқлолимиз туфайлигина мен каби қаламкашлар тарихимизни буюк аждодларимиз, маънавиятмаърифатимизни рўйи рост ёритяпмиз. Биз кекса авлод вакиллари ҳур диёримиз тараққий топган буюк давлатлар қаторидан жой олишига ишонамиз.

Бунинг исботи сифатида мўътабар ва азиз Тошкентимиз кундан- кунга чирой очмоқда, унда маҳобатли қурилишлар: метро, кўприклар, замонавий талабларга жавоб берувчи лицей, коллежлар, турар жойлар, жаҳон андозаларига мос меҳмонхоналар ва бошқа кўплаб бинолар кўзларни қувнатиб, дилларни яйратмоқда.

Мир и спокойствие в большой семье

В январе 1992 года по инициативе Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова был создан Республиканский интернациональный культурный центр, деятельность которого направлена на сохранение и возрождение национальных обычаев и традиций многонационального Узбекистана, благодаря которым проживающие в нашем государстве люди различных наций и народностей не утрачивают и не теряют нити, связывающие их с исторической родиной. То, что Узбекистан является общим домом для представителей многих национальностей, — это не красивые слова, а реалии жизни.

В своих выступлениях Президент страны Ислам Каримов не раз подчеркивал, что, развивая и возрождая духовные традиции и обычаи, национальные культурные центры вносят весомый вклад в поддержку межнационального и гражданского согласия в обществе. Деятельность интерцентра, направленная на обеспечение стабильности в нашем государстве, заслужила высокую оценку.

Особое внимание уделяется сотрудничеству с различными министерствами и ведомствами, а также общественными, негосударственными некоммерческими организациями. В связи с этим был разработан общий план проведения различных мероприятий, направленных на интенсивное развитие межнациональных отношений и культурных связей, укрепление мира и стабильности в Узбекистане.

Республиканский интернациональный культурный центр вместе с национальными культурными центрами особое внимание уделяет организации мероприятий по духовности и просветительству. Стало традиционным проведение научно-практических конференций на тему «Национальная идея — наша идея», которые прошли в Джизакской, Наманганской, Ташкентской и других областях.

В последнее время тесным стало сотрудничество с различными зарубежными представительствами, аккредитованными в Узбекистане. Совместно с посольствами проводятся акции, направленные на развитие культурных связей, обмен делегациями и так далее.

Уже доброй традицией стало проведение научно-практических и теоретических конференций, а также «круглых столов» по обмену мнениями между представителями различных национальностей, проживающими в Узбекистане. Особую роль в этом играют активисты национальных культурных центров, стремящиеся обогатить и усовершенствовать свою работу, открыть для себя что-то новое, что впоследствии захочется глубже изучить и исследовать. Такие встречи проводятся с участием ведущих ученых в области межнациональных отношений, руководителей общественных организаций, председателей национальных культурных центров.

Наряду с государственными праздниками культурные центры отмечают и традиционные праздники разных народов. В этом году проводились вечера, посвященные видным деятелям культуры Узбекистана и других стран. Например, широко было отмечено 100-летие со дня рождения татарского композитора Мансура Музаффарова, прошел вечер, посвященный творчеству туркменского поэта и мыслителя Махтумкули.

Впервые Республиканский интернациональный культурный центр принял участие в фестивале молодежи «Великий шелковый путь», организованном Центральным советом общественного движения молодежи Узбекистана «Камолот».

За последние пять лет выпущены в свет несколько книг, рассказывающих о деятельности Республиканского интернационального культурного центра, в их числе «Узбекистан — наш общий дом».

Объем работы интерцентра велик, РИКЦ работает в напряженном ритме по различным направлениям. Сейчас здесь стараются тесно сотрудничать с махаллинскими комитетами в плане укрепления добрососедских отношений среди жителей.

День независимости Республики Узбекистан — один из самых ярких и красочных, он олицетворяет собой единение и спокойствие всех народов независимо от национальности. В эти дни за праздничными дастарханами собираются представители различных диаспор. Этому празднику, как и нашей повседневной жизни, всегда присущи мир и межнациональное согласие. Поэтому и в дальнейшем Узбекистан будет общим домом для всех, кто чтит добрые традиции и обычаи узбекского народа, предан идеям национальной независимости и вносит свой вклад в укрепление стабильности в отношениях между представителями различных национальностей.

Марина ЯКШИГУЛОВА.

☑ *Моя махалля*

ВСЕ — КАК ДОМА

Днем в махалле тихо. Жаркий свет заливает улицы. Время от времени подают голос разморенные духотой воробьи. Редкие прохожие идут не торопясь — видно, их дела не требуют спешки.

— Все, как дома, — замечает Михаил Митрофанович, — самый разгар дел, азарт и спешка — утром и вечером, а днем наступает относительный покой. Все, как дома...

Для него, председателя схода граждан махалли имени Юнуса Раджаби Яккасарайского района, махалля — воистину единый большой дом. И вот уже год, как он делает все, чтобы каждому жилось в этом доме по возможности хорошо и уютно. А «домочадцев» у Михаила Митрофановича Киктева — ни много ни мало — более пяти тысяч человек. У каждого — свой характер, свое знание жизни.

Махалля аксакалу досталась непростая. Знаменитая. Здесь жили многие прославленные деятели культуры и науки Узбекистана. Имя Юнуса Раджаби, выдающегося композитора и музыканта, присвоено махалле не случайно — здесь стоит его дом, живут его наследники и хранители его музыкальных традиций. Многие замечательные люди, внесшие и вносящие свой вклад в развитие самых разных областей жизни страны, живут в махалле и сегодня. Это делает работу аксакала и очень почетной, и очень ответственной.

Но Михаил Митрофанович работы не боится. Кандидат биологических наук, старший научный сотрудник НИИ генетики и экспериментальной биологии растений, создатель ультраскороспелого сорта хлопчатника «Ан-чилляки-1», до сих пор не расстающийся с любимым делом, он всегда был активным общественником.

— Люди оказали мне очень большое доверие, — говорит он. — Выборы проходили на альтернативной основе, было четыре кандидата, из четверых назвали меня. Значит, я уже не имею права это доверие не оправдать. А работа с людьми мне нравится. У нас в махалле живут представители более двадцати национальностей, и мы все очень хорошо понимаем, какое это бесценное богатство — мир, лад, понимание, которые царят у нас, узбекистанцев. В махалле соседи никогда не откажутся помочь друг другу, вместе встречаем все праздники, знаем обычаи, традиции друг друга.

Сам Михаил Митрофанович, кстати, прекрасно говорит по-узбекски, знает и почитает узбекские традиции, что очень помогает ему в работе. И гордится тем, что в его махалле люди почитают за долг знать и уважать жизненный уклад соседа. И все вместе стараются для общего своего дома — махалли. Так, травматолог профессор Уткур Исламбеков каждую неделю осуществляет бесплатный прием жителей махалли. Заслуженный заргар республики Фасихиддин Дадамухамедов и мастер народных музыкальных инструментов Наби-ака Абдугафуров изъявили желание обучать махаллинскую молодежь секретам своего ремесла. С целью решения вопроса трудоустройства молодежи планируется открытие швейной мастерской — уже завезено двенадцать станков, что позволит занять сорок-сорок пять человек, причем здесь же, в мастерской, будут действовать бесплатные курсы швейного дела.

В дружбе между собой растут махаллинские мальчишки и девчонки. Три детские футбольные команды уже заявляют о себе. Так, команда возраста 9-11 лет на соревнованиях «Мы — будущее нашего футбола» заняла первое место в районе, за что ребят решено поощрить новенькой спортивной формой.

Пожалуй, лучше всего о махалле могут рассказать сами ее жители. Послушаем некоторых из них.

Талат Саидович Азизов, директор ЧПКФ «Зиеда-мехр»:

— Я — коренной житель махалли, живу в этом доме с 1930 года. И могу сказать — махалля необходима для всех нас. Она сплачивает людей, объединяет духовно, позволяет почувствовать себя членом большого коллектива, живущего одними интересами. В то же время махалля — орган самоуправления, и участие в ее жизни вырабатывает у людей чувство ответственности, самостоятельности, инициативы.

Ахмад-ака Азимов, пенсионер:

— Махалля делает людей ответственными друг за друга. Вот возле моего дома размещается спортплощадка, и мы, махаллинцы, хотим сделать здесь настоящий спортивный комплекс для наших детей — с волейбольной площадкой, помещением для игры в шахматы и так далее. Вот вам пример проявления инициативы в махалле.

Светлана Геннадьевна Михайловская:

— Я родилась в этой махалле, здесь жили мои родители. Мой отец, Геннадий Иванович Михайловский, занимался благоустройством и озеленением города и всю душу вкладывал в работу. Соседи очень любили его и сохранили прекрасную о нем память, за что я им благодарна. А нашу махаллю я бы сравнила с интеллигентной, умудренной жизненным опытом, но цветущей женщиной, и я думаю, что в отношении к махалле у каждого узбекистанца есть какое-то сыновнее или дочернее чувство.

Наталья Мирончук, домком дома № 5 по улице Афросиаб:

— У нас достаточно много молодежи, молодых семей, и это вносит свой колорит в жизнь махалли, задает особый, бодрый ритм. А вообще, когда меня избрали домкомом и я включилась в общественную работу, то махалля стала для меня замечательным открытием. Особенно радует отношение к пожилым людям — их не забывают ни в будни, ни в праздники, всегда готовы помочь.

Всегда готовы помочь — так и должно быть в большом доме, где живет дружная семья. Это простой, но незыблемый закон махалли, пронесенный через века, и сегодня в стране, добившейся независимости, находящий свое новое подтверждение.

А. ВОЛОКО.

Здравоохранение: по пути перемен

Широкомасштабная работа, проводимая в республике по реформированию системы здравоохранения, привнесла уже немало добрых перемен в повышение уровня медицинского обслуживания населения. Появились специализированные центры, оснащенные новейшим оборудованием, создан Государственный научный центр экстренной медицинской помощи, на строительные работы которого было затрачено 4 миллиарда сумов. По комфортабельности он отвечает мировым стандартам, оснащен самым современным медицинским оборудованием, изготовленным в наиболее развитых странах мира. На закупку его был выделен кредит правительства Испании в размере 10 млн. евро и грант правительства Японии в размере 7 млн. долларов. Гранты и кредиты предоставляют центру также Германия, США, Израиль. И сегодня восемь операционных центров готовы в любое время суток к оказанию экстренной медицинской помощи.

В строй действующих в нынешнем году вступил Республиканский перинатальный центр (на снимке), общая стоимость строительства которого составила 1 млрд. 197 млн. сумов. Он оснащен современным лечебно-диагностическим оборудованием фирмы «Медко-Медикал» (Финляндия) на сумму 3,2 млн. долларов. В нем предусмотрено ежегодное оказание помощи свыше двум тысячам беременных и рожениц, проведение около 200 оперативных родовспоможений, 200-250 хирургических вмешательств у новорожденных.

Комплексным подходом к реализации программ по туберкулезу, онкологическим и другим заболеваниям стало приобретение для НИИ онкологии и фтизиатрии Минздрава республики линейного ускорителя для лучевой терапии стоимостью в 50 миллионов долларов, передача для НИИ фтизиатрии и пульмонологии новой партии бинокулярных микроскопов, поставляемых по дополнительным ассигнованиям, выделенным конгрессом США для поддержки здравоохранения Узбекистана. В общей сложности неправительственная организация Проект ХОУП планирует в рамках комплексной технической стратегии Агентства США по международному развитию (USAID) по укреплению здоровья народов стран Центральной Азии поставить 100 бинокулярных микроскопов. На счету Проекта ХОУП — уже осуществленная поставка компьютерной техники, лабораторного оборудования и реактивов в противотуберкулезные диспансеры ряда районов нашей республики, НИИФиП.

Немало уже сделано и в плане обеспечения службы скорой помощи реанимационными автомобилями, лечебно-профилактических учреждений — лекарственными препаратами. Отрадно, что в республике растет число компаний, производящих лекарства, медицинскую технику. Сегодня их насчитывается уже более шести.

Реформирование системы здравоохранения, цель которого — высококвалифицированное медицинское обслуживание населения — продолжается.

Н. НИЗАМОВА.
Фото С. ЛЮБЧИЧА.

☑ *ННО: фактор развития*

УДАЧА — ЭТО МНОГО ВОЛИ И НЕМНОГО ВЕЗЕНИЯ

От аккуратных белых стен веет свежестью, на фоне зелени и все еще жаркого летнего солнца они кажутся еще белее. Вокруг царит тишина.

— Ненадолго, — улыбается директор городского Центра социальной адаптации женщин Нигора Мадиева. — Скоро в этих стенах снова начнутся занятия.

Собственно, занятия и не прекращались, просто адрес их на некоторое время поменялся. На то время, что в помещении центра, расположенном по улице Сайрам, недалеко от Университета мировой экономики и дипломатии, шел ремонт.

Совсем еще молодая женская неправительственная организация, Центр социальной адаптации женщин с первых дней своего существования работает в напряженном ритме. К этому обязывают и задачи организации, и характер ее директора.

— Я не могу сидеть без дела, — говорит Нигора. — И, знаете, наше время вдохновляет на то, чтобы лучше работать, задумывать и осуществлять проекты, которые могли бы приносить реальную отдачу, пользу для общества. Каждый день открываются новые возможности, просто надо их видеть и не бояться их использовать. Эту мысль я стремлюсь довести до женщин, которые обращаются в наш центр за поддержкой. Это ведь замечено было еще очень давно — если нуждающемуся человеку дать деньги, то, какой бы значительной ни была сумма, он ее быстро истратит. А если дать ему профессию, научить организовывать свое дело, — он будет обеспечен до конца дней своих. Вот и наш центр ставит перед собой такую задачу.

При Центре социальной адаптации женщин действуют самые разнообразные курсы, пользующиеся, кстати, большой популярностью у девушек и молодых женщин. Регулярно проводятся семинары, где жительницы махаллей, ученицы колледжей, старшеклассницы могут получить абсолютно необходимые в современных условиях знания: как открыть свое дело, защитить свои права, найти применение своим способностям. Не бойтесь пробовать, не бойтесь начать, — этот призыв активистов Центра социальной адаптации звучит практически на каждом семинаре. Опытный специалист (а центру помогает более десяти волонтеров), будь то юрист, психолог или сотрудник районного органа по трудоустройству и социальному обеспечению, никогда не откажется дать нужную консультацию. Удачу каждой слушательницы курсов или семинаров здесь воспринимают как личную победу. А женщины, побывавшие на занятиях в Центре социальной адаптации, порой впервые понимают, что удача, на отсутствие которой привыкли жаловаться, — это прежде всего много воли, упорства и смелости, а уж только потом — чуточку везения.

Неудивительно после этого, что столь молодая организация с честью выдержала немалый конкурс и стала обладательницей гранта посольства Японии в Узбекистане, предоставив проект по улучшению социального и экономического обеспечения женщин. На выигранный грант был произведен основательный ремонт помещения и оснащение его необходимым оборудованием.

— На первом этаже здания теперь размещается медицинский диагностический центр, — рассказывает Нигора Мадиева. — Он включает в себя отделение кардиологии, гинекологии, УЗИ, лабораторию. То есть прежде всего женщина может получить информацию, касающуюся ее репродуктивного здоровья. Женщинам из малообеспеченных семей предусмотрено бесплатное оказание услуг.

Наряду с этим мы оборудовали кабинеты для занятий по программе повышения правовой грамотности среди женщин, компьютерных курсов, а также швейный и кулинарный цеха. Необходимое оборудование для занятий поставила компания «PfaffZinger». Надо сказать, что занятия у нас не прекращались и во время ремонта помещения — мы проводили выездные занятия в домах мехрибонлик №№ 22 и 30, а также семинары в районах, в частности по программе повышения правовой грамотности среди женщин. Теперь же мы рады будем принять дорогих наших женщин «у себя дома», по прежнему адресу, который, я знаю, многим уже хорошо знаком. И принцип работы будет прежним: не бойтесь пробовать свои силы. Не бойтесь собственной удачи! Она вас ждет.

А. СПИРИДОНОВА.

15.00 «Шум бола». Бадиий фильм.
16.30 «Мультгомоша».
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.25 «Денгиз итлари». Мульсериал. 12-қисм.
17.50 Таянч.
18.15 Ватан манзаралари.
18.35 Янги ўқув йилига.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Давр-интервью.
20.05 Марду-майдон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Нокаут.
23.30 Давр.
23.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.10-00.15 «Ҳайрли тун!»

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гиннес-шоу».
17.40, 19.05, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 «Болажонлар экрани». «Шарқи ва Ғарб».
23-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Туризм қанақа».
19.35 «Хотира». Х. Йўлдошев.
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.30 «Суҳбатдош».
22.30 Кинонигоҳ. «Ғалғамат». 2-қисм.
23.30-23.35 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 7.00-8.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.25– 16.55.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.20 «Машқурлар». Герард Васильев.
18.50 «Талабларга биноан тухташ-2». Серриал.
20.00 «Время».
20.35 «Янги ўқув йилига».
20.40 Кинематограф. «Катта жанжал». Бадиий фильм.
22.10 «Ахборот» (рус тилида)
22.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.10 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Серриал.
10.40 «Жанговор саньат олами». Спорт дастури.
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Энди сизни қандай аташ керак?". Бадиий фильм.
13.30 «Яғо, зулмат эҳтироси». Серриал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтиросларн». Серриал.
15.50 "30"да спорт".
17.00 Шоу соати.
18.00 «Катта шаҳарнинг томлари остида». Серриал.
19.00 «30-канал» киноокшоми: "Номаълумлик".
21.00 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «30-канал» киноокшоми: «Учрувчи».
23.15 "30"да спорт.

5.00 «Ҳайрли тонг» телеканали.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Янгиликлар.
8.15 Мени кутгил.
9.15, 20.35 «Зарбдор куч». Кўп серияли фильм.
10.15 «Йўлда ёзилмаган қайдлар» Дм. Крилов билан.
10.35 «Дисней-клуб».
11.15 Комедия. «12 стул». 1-серия.
12.30 Ҳукумат формуласи. Германия президенти.
13.00,18.50 «Талабга биноан бекат-2». Кўп серияли фильм.
14.15 «Ёвойи нарсалар». Серриал.
14.40 «Куртизанкаларнинг бойлиги-ю қашшоқлиги». Серриал.
15.50 «Қаллоблар». Серриал.
17,15 «Оилавий ришталар». Серриал.
18.20 «Пирлар». Г. Васильев.
20.00 «Время».
21.40 «Катта хоккей. СССР — Канада.
30 йил».
22.05 «Сентябрнинг бир кунида». 1-серия.
23.00 Тунги «Время».
23.15 «Зарбли хизмат». Серриал.
23.40 «Келгинди». Серриал.

3.45 — 6.45 «Ҳайрли тонг, Россия!».
6.45, 18.55 «Каменская-2». Детектив серриал.
7.50 «Иккн рояль». Мусиқий дастур.
8.50 Хабарлар. Навбатчи қисм.
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 Хабарлар.
9.20, 20.05 «Қонун». Серриал.
10.25 «Муваффақият бахси». Ток-шоу.
11.30 «Катта ҳўжалик».
11.45, 16.20, 18.35 «Хабарлар — Москва».
12.20 Хабарлар — спорт.
12.25 «Аёл нимани истайди». Ток-шоу.
13.25 «Ёвойи фаришта. Қайтиш». Телесериал.
14.20 «Оддий қаҳрамонлар». Серриал.
15.20 «Ишонч, умид, муҳаббат».
16.50 «Ўғри қиз». Серриал.
17.50 «Ҳайрли тонг, кичкинтойлар».
21.35 «Тирик маҳсулот». Бадиий фильм.

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05-8.00 «НТВда тонг».
8.00 «Шайх Бадиёр: муҳаббат ва қасос тарихи». Телесериал.
9.00 «Бугун».
9.25 «Диққат: қидирув».
10.15 «Ўсимликлар ҳаёти».
10.50 Мазали тариклар.
11.00 «Бугун».
11.20 Криминал.
11.35 «Аёл нигоҳи».
12.00 «У қотилликни баён этди». Детектив. 7-қисм.
13.00 «Бугун».
13.05 «Домино» принципи». Ток-шоу.
14.40 «Криминал».
15.00 «Бугун».
15.25 «Бойнинг туғилган куни-2». Детектив серриал.
16.30 «Граф Монте-Кристо». Телесериал.
17.35 «Криминал».
18.00 «Бугун».
18.40 «Чироқлари синиқ кўчалар». Серриал.
19.45 «Бойнинг туғилган куни-2». Детектив серриал.
21.00 «Бугун».
21.40 «Учовлон». Серриал.
22.35 «Чироқлари синиқ кўчалар». Телесериал.
23.35 Гордон.

9.00 «Эътиқодларнинг овози».
9.30 «Нитти-гангстер». Бадиий фильм.
11.30 «Дидье». Бадиий фильм.
13.30 «Момақалдироқ довони». Бадиий фильм.
15.30 «Қутилмаган дўзах». Бадиий фильм.
18.00 «Роланд Коппинг хийласи». Бадиий фильм.
20.00 «Сахро оймомаси». Бадиий фильм.
22.30 «Эльвира, зулмат маликаси». Бадиий фильм.
0.00 Мавзу.
0.30 «Арлетт». Бадиий фильм.

16.30 гача каналда профилактика.
16.30 «Ўғримчак-одам». Мультсериал.
17.00 «Луи билан ўтган умр». Мультсериал.
17.30 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерслар». Телесериал.
18.00 «Икс-мен». Мультсериал.
18.30 «24». Ахборот дастури.
18.50 «Оилавий эҳтиросларр». Ток-шоу.
20.55 «Зарбдор куч-3». Серриал.
22.00 «Футурама». Мультсериал.
22.30 «24». Ахборот дастури.
23.00 «Ноумид таваккалчилар». Саргузашт фильм.
1.25 «Муваффақият». К. Ларинанинг ток-шоуси.
1.40 «Қиролича Христина». Тарихий драма.

6.00 «Сиримиз ёзи». Серриал.
7.00 «Фантагира». Мультсериал.
7.30 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
8.00 «Твист қувноқ оиласи». Серриал.
8.30 «Гаройиб жонзотлар-4».
9.00 «Икки номаълум билан масала». Детектив. 2-қисм.
10.40 Мультфильм. «Пони ҳалқа бўйлаб югуряпти».
10.55 «Биринчи тўлқин». Фантастик серриал.
12.00 «Фантагира». Мультсериал.
12.30 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
13.00 «Твист қувноқ оиласи». Телесериал.
13.30 «Лус-Мария». Телесериал.
14.30 «О, омадли!». Шоу.
15.30 «Ойналар». Ток-шоу.
16.30 «Ўйинчоқ». Комедия.
19.00 «Филимонов ва компания». Ҳазил дастури.
19.30 «Ойналар». Ток-шоу.
20.30 «Сегоднячко».
21.30 «Котил изидан». Триллер.
23.55 ТНТда мусиқа.
0.10 «Эҳтиросларр империяси». Шоу.
1.05 «Ойналар». Ток-шоу.
2.05 «Сегоднячко».
0.00 «Эҳтиросларр империяси». Шоу.
0.55 «Ойналар». Ток-шоу.
1.55 Сегоднячко.
2.55 «Лус-Мария». Телесериал.
3.50 «О, омадли!». Шоу.

7.00 «Қайфият».
9.50 Газеталар ёмғири.
10.05 «Бир кун бизда қанотлар пайдо бўлади». Телесериал.
10.50 «Ёвойи табиат олами». Телесериал.
11.25 Мультфильм. «Григ ҳақида афсона».
11.40 Петровка, 38.
12.00 Воқеалар. Москва вақти.
12.15 Теледўкон.
12.30 «Сана» телеканали.
13.25 «Ҳақиқат лаҳзаси».
14.30 Ишбилармон Москва.
15.00 Воқеалар. Москва вақти.
15.15 «Инспектор Деррик». Детектив серриал.
16.30 Икки ёқлама портрет.
17.00 Ҳудудлар: очиқ мулоқот.
17.30 Мультфильм. «Қолдаги миллион».
17.55 Котельникдаги уй.
18.25 Қум соат.
19.00 Воқеалар. Москва вақти.
19.15 Заминнинг тўрт ранги.
20.00 «Ҳаизим Изабель». Телесериал.
20.50 Ишбилармон Москва билан беш дақиқа.
21.05 Шаҳарга юланиб.
22.10 Детектив-шоу.
23.00 Воқеалар. Москва вақти.
23.45 Времечко.
0.15 «Профессионал ҳужжатлар». Телесериал.
1.10 25-соат. Воқеалар. Москва вақти.
1.30 Петровка, 38.
1.50 «Шоҳдан сўнг». Телесериал.
2.45 «Кўк троллейбус».

Чоршанба 4

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кўз», «Ғўзаликда оламда».
9.20 «Қўҳна замин оҳанглари».
9.40 «Инсон ва қонун».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алирбо сабоқлари.
10.25 «Семург». Бадиий фильм.
11.35 «Солиқ ва биз».
11.50, 13.50 ТВ клип
12.05 «Барҳамол авлод орзуси».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
12.50 «Рақс». Фольклор этнографик энсамблининг концерти.
13.20 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Кундузги сеанс: «Дўст кулфатда билинади. Бадиий фильм.
15.40 «Ялғон оилада».
16.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф - «Сўғдиёна».
«Болалар сайёраси».
17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Қувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
18.10 «Қуйла, ёшлигим».
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма- юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Жиззахда Мустақиллик байрами.
22.05 Янги ўқув йилига.
22.10 Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
«Спорт» дастури:
22.40 1. «Спорт, спорт, спорт». 2. Теннис бўйича «Президент кубоги» солномаси.
23.15 «Ахборот -дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.35 «Денгиз итлари». Мультсериал. 12-қисм.
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Таянч.
11.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 «Робин Гуд». Бадиий фильм. 2-қисм.
13.40 Ватан манзаралари.
14.00 Кўҳна оҳанглар.
14.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.55 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит».
16.35 «Денгиз итлари». Мультсериал. 13-қисм.
17.00 Болажон.
17.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.05 Чемпион сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сиҳрат.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Севги тароналари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 Давр.
00.55-1.00 «Ҳайрли тун!»

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гиннес-шоу».
17.40, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 «Болажонлар экрани». «Шарқи ва Ғарб». 24-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Саньатга бахшида умр». Т. Шарипов.
19.25 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
19.45 «Эҳтиром илм».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.40 Кинонигоҳ. «Шафқатсиз романс». 1-қисм.
23.45-23.50 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 7.00-8.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.25–16.55.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 Е. Петросянинг «Кулгу панорамаси».
18.50 «Талабларга биноан бекат-2». Серриал.
20.00 «Время».
20.35 Кинематограф. «Калли ва унинг ўғли». Бадиий фильм.
22.05 «Ахборот» (рус тилида)
22.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.10 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Серриал.
10.40 «Жанговор саньат олами». Спорт дастури.
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Энди сизни қандай аташ керак?". Бадиий фильм.
13.30 «Яғо, зулмат эҳтироси». Серриал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтиросларн». Серриал.
15.50 "30"да спорт".
17.00 Шоу соати.
18.00 «Катта шаҳар томлари остида». Серриал. 19.00 «30-канал» киноокшоми: "Мен айбдорман". 21.00 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 Ҳинд киноси: «Ихарада яшочи соҳибжамол».

5.00 «Ҳайрли тонг» телеканали.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Янгиликлар.
8.15, 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
9.15, 20.35 «Зарбдор куч». Кўп серияли фильм.
10.15 «Йўлда ёзилмаган қайдлар» Дм. Крилов билан.
10.35 «Твинислар». Серриал.
11.15 «12 стул». 2-серия.
12.35 Рус экстрими.
13.00, 18.50 «Талабга биноан бекат-2». Кўп серияли фильм.
14.15 «Ёвойи нарсалар». Серриал.
14.40 «Куртизанкаларнинг бойлиги-ю қашшоқлиги». Серриал.
15.50 «Қаллоблар». Серриал.
17.15 «Оилавий ришталар». Серриал.
18.20 «Пирлар». Г. Васильев.
20.00 «Время».
21.40 «Катта хоккей. СССР — Канада. 30 йил».
22.05 «Сентябрнинг бир кунида». 2-серия.
23.00 Тунги «Время».
23.15 «Зарбли хизмат». Серриал.
23.40 «Келгинди». Серриал.

3.45— 6.45 «Ҳайрли тонг, Россия!».
6.45, 18.55 «Каменская-2». Детектив серриал.
7.50 «Менинг силам».
8.50 Хабарлар. Навбатчи қисм.
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 Хабарлар.
9.20, 20.05 «Қонун». Серриал.
10.25 «Муваффақият бахси». Ток-шоу.
11.30 Москва — Минск.
11.45, 16.20, 18.35 «Хабарлар — Москва».
12.20 Хабарлар — спорт.
12.25 «Аёл нимани истайди». Ток-шоу.
13.25 «Ёвойи фаришта. Қайтиш». Телесериал.
14.20 «Оддий қаҳрамонлар». Серриал.
15.20 «Аничков кўприги». Ҳужжатли фильм.
16.50 «Ўғри қиз». Серриал.
17.50 «Ҳайрли тонг, кичкинтойлар».
21.35 «Нозик йўл». Бадиий фильм.

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 «Бугун».
5.05 — 7.55 НТВда тонг.
7.55 «Шайх Бадиёр: муҳаббат ва қасос тарихи». Телесериал.
9.00 «Бугун».
9.25 «Уй муаммоси».
10.00 «Мухит». Экология ҳақида дастур.
10.20 «Юзлаштириш».
10.50 Мазали тариклар.
11.00 «Бугун».
11.20 Криминал.
11.35 «Аёл нигоҳи».
12.00 «У қотилликни баён этди». Детектив. 9-қисм.
13.00 «Бугун».
13.05 «Домино» принципи». Ток-шоу.
14.40 «Криминал».
15.00 «Бугун».
15.25 «Бойнинг туғилган куни-2». Детектив серриал.
16.30 «Граф Монте-Кристо». Саргузашт серриал.
17.35 «Криминал».
18.00 «Бугун».
18.40 «Чироқлари синиқ кўчалар». Серриал.
19.45 «Бойнинг туғилган куни-2». Детектив серриал.
21.00 «Бугун».
21.45 В. Путин ва Ж. Буш «Қўпорувчилик: қасос» фильмида.
22.35 «Чироқлари синиқ кўчалар». Серриал.
23.35 Гордон.
0.25 Кома.

9.00 «Эътиқодларнинг овози».
9.30 «Мурда табассуми». Бадиий фильм.
11.30 «Голиблар ва гуноҳкорлар». Бадиий фильм.
13.30 «Соф қотиллик». Бадиий фильм.
15.30 «Финбарнинг ғойиб бўлиши». Бадиий фильм.
18.00 «Баҳз». Бадиий фильм.
20.00 «Нотаниш инсоннинг найранги». Бадиий фильм.
22.00 «Учовлон йўлда». Бадиий фильм.
0.30 «Мистер «Омадсиз». Бадиий фильм.

8.00 «Икс-мен». Мультсериал.
8.30 «Пауэр Рейджерс ёки қудратли Рейнджерлар». Телесериал.
9.00 «Луи билан ўтган умр». Мультсериал.
9.30 «Ўғримчак-одам». Мультсериал.
10.00 Ҳужжатли фильм.
10.30 «24». Ахборот дастури.
10.45 «Дантист». Даҳшатлар фильми.
13.30 «Яғо, қора эҳтирос». Теленовелла.
14.30 «24». Ахборот дастури.
14.45 Ҳужжатли фильм.
15.15 «Зарбдор куч-3». Телесериал.
16.30 «Ўғримчак-одам». Мультсериал.
17.00 «Луи билан ўтган умр». Мультсериал.
17.30 «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар». Телесериал.
18.00 «Икс-мен». Мультсериал.
18.30 «24». Ахборот дастури.
18.50 «Оилавий эҳтиросларр». Ток-шоу.
20.55 «Зарбдор куч-3». Телесериал.
22.00 «Симпсонлар». Мультсериал.
22.30 «24». Ахборот дастури.
23.00 «Дантист». Даҳшатлар фильми.
1.20 «Муваффақият». К. Ларинанинг ток-шоуси.
1.35 «Уч мушкетёр». Бадиий фильм.

6.00 «Сиримиз ёзи». Серриал.
7.00 «Фантагира». Мультсериал.
7.30 «Кэнди-Кэнди». Мультсериал.
8.00 «Твист қувноқ оиласи». Телесериал.
8.30 «Гаройиб жонзотлар-4».
9.00 «Инспектор Лосев». Детектив серриал.
10.40 Мультфильм. «Ох ва Ах».

ИСТИҚЛОЛ— ОЛИЙ НЕЪМАТ

Пўлат МЎМИН,
Ўзбекистон халқ шоири

МУСТАҚИЛЛИГИМ — БАХТ МИСОЛИМ

(Мустақиллик болаларини ўйлаб)

Мустақиллик ҳамма ерда, ҳар қачон, ҳар кимга сув билан ҳаводек керак бўлган ҳолат, у — эрк, бахту саодат эрур чиндан-да. Айниқса она Ватанимиз Мустақилликка эришгани, енгил тортганини, ўзлигини кўрсата олиши — улуғ неъматдан неъматдир— халқимиз учун.

Мен кўпинча болаларимизнинг мустақилликдан яйрашларини ифода қилгим келаверади. Бир неча йил бўлди «Ҳамма мени тергайди нега?» деган шеър ёзганман бир болакай тилидан:

Ҳамма мени тергайди, қаранг,
Аммо ёрдам бермайди, қаранг,
Эшитганим нуқул насиҳат,
Асабларим бўлдику таранг...
Кечаги гап айтилар бугун,
Қулоқларим бўлдику гаранг.
Улар мендан катта, албатта,
Ўзни тутиб юрибман аранг,
Уйқумда ҳам ўша сўзлар-чи
Қилишадир жаранг ва жаранг...
Ахир мен ҳам бўлай мустақил,
Бошим эмас унчалик заранг.
Ҳамма мени тергайди, қаранг...

Бу болакайнинг юрак гапларини чуқур ўйласангиз, қанчалик теран ва Мустақилликнинг қанчалик заруратини пайқайсиз, улуғлайсиз. Бу гапларни турфа соҳаларга-да тарғиб қилиб кўринг-а, воажаб, дейсиз болакай сўзларига.

Ўшал болакай Мустақил бўлса нималарга қодирлигини пайқаймиз чин дилдан.

Бу мустақиллик юртимиз учун, халқимиз учун қандай зарурлигини бир болажон мисолида кўрсатишим бежиз эмаслигини пайқагандирсиз, азизлар.

Мустақиллигимизнинг шарофатини болаларимизда кўришни истаганим — истаган. Мен кўпинча мактабларда болалар билан учрашувларда бўламан. Уларни кўриб кўзим тўяди, кўнглим тўладики, уни сўзда таъриф этолмайман қувонганимдан, ҳаяжонланганимдан эҳтимол.

Болажонлар — қизалоқлар, ўғлонлар ялписига чиройли бўлиб кетишганки, асти қўяверинг. Тиллари бийрондан бийрон. Ранглари тоза. Кўзлари кулган, юзлари ҳам. Улар чиндан-да мустақиллик шарофати дея оламан — баралла. Кийимларини айтмайсизми — кенг зал жонли чаманзор мисоли. Улар гул-чечагимиз, келажагимиз мевалари мустақил юрт-у халқимизнинг.

Ўзбеклар болажон халқ чинданам. Болам деб яшайверадиган, болам деб яйрайверадиган, болам деб уй қурадиган, тўй қиладиган, заҳматлардан чўчимайдиган миллат биз бўлурмиз дегим келаверади ҳамиша, ҳар ерда. Очиғини айтсам, уларни мустақиллик руҳида вояга етказсак деймиз доимо. Ҳаммаҳамма ҳаракатларимиз аслида болалар учунга ўхшайди, наинки ўхшайди, худди ўзи.

Мендан кўпинча «Нега кўпинча болаларга ёзасиз? деб сўрашади. Уларга ўша заҳоти «Анави кўзи кулиб турган болаларга бир қаранг, уларга — бутун вужуди кулиб турган болаларга ёзиш савобдан савоб эмасми?» — деб кулимсирайман. Ишонтираман. Кейин тан беришади.

Мен Устоз Ғафур Ғулом номли мактаб ёнида истиқомат қиламан. Баъзан мактаб ёнидан ўтганимда болалар менга хатто тўртинчи қаватдан салом беришади. Бу болаларга хизмат қилиш меваси аслида.

Бир дўстим бир куни менга ачиганнамо, «Мактаб ёнида яшаркансан, сира қулоғинг шовқин-сурондан тинчимаса керак-ов», — деб қолди. Мен эса унга аксини айтдим, таажжубланди. Кейин ўтириб бир шеър ёздим:

Тўғри, ҳовлимнинг ёни,
Мактаб, унинг майдони.
Бу ер болалар кони.
Билмайман сенга қандай,
Менга ёқадур қантдай.

Ва шеърнинг якунида:

Ҳаммаёқ мактаб бўлса,
Бола ўйнаса, кулса,
Майли қий-чувга тўлса,
Билмайман сенга қандай?
Менга ёқадур қантдай.

Кўз ўнгимиздаги фарзандлар — мустақиллик қизлари-ўғлонлари. Уларни истиқлол меваларидек минг бора ўринли. Бу истиқлол учун бобокалонларимиз курашгандан курашганлар. Ўзларини аямаганлар, ўтга-чўққа урганлар, мустақиллик - истиқлол учун. Мактаблар очганлар, китоблар ёзганлар, ўзларидан кечиб бўлса-да. Хизмат қилиб миллатга, ўрганмаган миннатга, ўша бизим аждодларимиз.

Фарзандларимизни вояга етказиш эндиликда бизнинг зиммамизда. Бу энг шарафли вазифа.

Болаларимиз соғлом бўлсин, билимдон бўлсин, деймиз ҳамиша. Болаларимизнинг зеҳни ўткир, фикри топқир бўлиши шарт. Замон шуни тақозо қилаётир-ку, азизлар. Фаҳмли, раҳмли тарзда тарбия берайлик.

Даврон чинданам компьютер, техника тараққиёти даврони эрур. Ҳозирги болаларга ҳавасим келгандан келади, уларга юрак завқларимни умидларимни айтганман шеъримда:

Болалар, сизларга
Айтайми ростим,
Ҳар ерда, ҳар қачон
Келар ҳавасим.
Ҳавасим келтирар
Чопқирлигингиз,
Билагон-у бийрон
Топқирлигингиз.
Оламни янгратсин
Кулгуларингиз,
Гуллар ёзаверсин
Орзуларингиз.

Чинданам ҳозирги болакайларга минг бора ҳавас қилса арзигай. Улар кўчаларни тўлдириб, кўзларни тўйдириб юришса, айниқса байрамларда, тантаналарда. Уларни кўриб, эртадагидай бир юмалаб болакай бўлгинг келади баъзида.

Шу кеча-кундузда ўн-ўн бир ёшдаги болаларга қараб севинаман, яйрайман, улар мустақиллик гулларининг мевалари эмасми ширидан шакар, ҳа, шундай, очилишган кундай.

Ўн бир бола ёшда — ўн бола,
Деманг улар жўн бола.
Туғилганлар бир кунда,
Теран маъно бор унда.
Омон бўлсин деб боши,
Ардоқлагай Юрт боши.
Келажаги порлоқдир,
Илм-у фанга чанқоқдир,
Улар янги авлоддир,
Энг соғлом-у энг шоддир.
Омон бўлсин деб боши,
Ардоқлагай Юрт боши.
Жавлон урар ўновлон,
Беш қизалоқ, беш ўғлон.

Аслида улар ўнта, ўн битта эмас, билишимча улар ўн миллиондан зиёдроқ, яна ҳам кўпаяверсинлар, деб кексалар дуода.

Мен уларнинг барчасига бирваракай омонлик истайман, яхшиликлар кўзлайман, соғ-у саломат бўлсинлар, дейман чин дилимдан. Истиқлолимиз завқидан вояга етаверсинлар ҳамиша-ю ҳамрўз.

Голос истории

Традиционно в дни празднования независимости в Государственном музее истории Темуридов проходят торжественные мероприятия. Не стал исключением и нынешний год — посвященная одиннадцатой годовщине обретения Узбекистаном независимости конференция по духовности и просветительству «Великая Родина» собрала представителей научной общественности, актив республиканского фонда «Махалля», Ташкентского городского комитета женщин, преподавателей и студентов столичных вузов.

Разговор на конференции касался важнейших тем воспитания духовности, просветительской работы на примере великих страниц отечественной истории, большой роли в этой работе представителей старшего поколения, которые вместе с воспоминаниями о прожитых годах, огромным практическим и духовным опытом передают молодежи чувство любви к Родине и гордости за ее богатую историю, за грандиозные достижения в годы независимости.

К конференции были приурочены сразу две выставки. Одна, представленная Республиканским фондом «Махалля», дала возможность познакомиться с изделиями народных мастеров из всех районов Ташкента. Другую выставку организовал Институт повышения квалификации учителей. На ней языком искусства рассказывалось о «мире прекрасного» (такое название получила и сама выставка). А чтобы участники конференции полностью ощутили себя в мире прекрасного, для них был организован концерт, в котором прозвучали любимые и известные в народе национальные мелодии.

Соб. инф.

НА МЕЖДУНАРОДНОМ МЕРИДИАНЕ

ОТКРОЕМ СЕБЯ ДРУГ ДРУГУ

В канун празднования 11-й годовщины независимости нашей страны крупные компании — члены Ассоциации экономического и культурного сотрудничества «Япония и Узбекистан» провели ряд благотворительных акций. Начиная с 1992 года, с момента становления дипломатических отношений, узбекско-японские контакты поднялись на новый уровень не только в сфере политики, экономики, образования, но прежде всего в открытии народов друг для друга.

Ровно год назад о себе заявила и компания Silkroad Uzbekistan-Japan Ine (SUJ) со стопроцентным японским капиталом, офисы которой расположились в Осака и Токио. Изначально было решено, что деятельность компании будет направлена прежде всего на развитие экономического и культурного сотрудничества между Японией и Узбекистаном. С этой целью при содействии SUJ была создана Ассоциация экономического и культурного сотрудничества «Япония и Узбекистан», членами которой стали представители деловых и культурных кругов Японии. Уже состоялся первый визит в Узбекистан представителей ассоциации. Однако компания задумывает подобные визиты поставить на регулярную основу с тем, чтобы активизировать дальнейший процесс обоюдоинтересного и взаимовыгодного сотрудничества. Не случайно столицу посетила делегация представителей ассоциации из Киото с тем, чтобы детально изучить методы сохранения технологий ткачества и красильного дела. В настоящий момент прорабатываются вопросы перспектив дальнейшего сотрудничества в этой области.

Этот визит, впрочем, имеет продолжение, поскольку предполагается в ближайшей перспективе организовать выставку национального искусства Узбекистана в городах Японии, а в последующем — заняться изготовлением кимоно с использованием национального узбекского дизайна. Аспекты деятельности SUJ простираются и на мир спорта. Что касается перспектив в развитии отношений компании с рядом авторитетных организаций Ташкента, то сейчас прорабатывается проект строительства ресторана на территории Японского сада в «Ташкентлэнде». Он будет реализовываться компанией SUJ в содружестве с Министерством внешнеэкономических связей Республики Узбекистан.

Очередной инициативой компании и ассоциации при содействии «Узэкспоцентра» МВЭС РУз стал летний национальный фестиваль, проведенный в амфитеатре Аквапарка. В нем выступили известные артисты японской классической Академии песен и танцев Asuka. Делегация Японии, прибывшая на проведение Дней японской культуры в Узбекистане по линии Ассоциации экономического и культурного сотрудничества «Япония и Узбекистан», взяла на себя и другую миссию: четыре тысячи пар детской обуви были переданы в ряд детских домов и школ-интернатов для инвалидов.

О. САВЕЛЬЕВА.

ҲАМКОРЛИК

Сифатли ва арзон

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий алоқалар тобора ривожланмоқда. Айниқса ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлган қўшма корхоналарнинг тузилиб кенг қўламдаги фаолиятини бошлаши эътиборга моликдир.

Маълумки, 2001 йили ҳар иккала давлат ўртасида имзоланган битимга кўра Хитой Халқ Республикаси томонидан юртимизга 100 миллион юан, яъни 12,4 миллион долларлик имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, ушбу сумма асосида «Эксимбанк» воситачилигида «Машимпекс» компанияси бир йил давомида 445 минг дона газ ўлчагичлар етказиб бериши лозим эди.

КЕЧА

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 11 йиллиги тантаналари арафасида «Сувжиҳозгаз» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида Хитой ҳукумати кредити асосида республикамизга газ ўлчагичларнинг биринчи туркуми — 40 минг 450 донаси етказилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан «Ўзкоммунхизмати» агентлигининг бош директори Ўткир Холмуҳамедов, «Сувжиҳозгаз» қўшма корхонасининг бош директори Хун Юан Чао, «Машимпекс» компаниясининг вакиллари ҳар иккала давлат ўртасида ривожланиб бораётган иқтисодий алоқалар қўлами ва унинг истиқболлари тўғрисида тўхталиб ўтдилар, жумладан имзоланган битимнинг моҳияти хусусида сўзлаб бердилар. Шунингдек, тез орада Хитой ҳукуматининг 3 миллион долларлик фоизсиз кредити ишга тушишини ҳам таъкидладилар.

Шуни қайд этиш керакки, «Ўзкоммунэнерго» агентлигига қарашли «Бошкоммунгаз» ташкилоти орқали бутун республикамиз бўйлаб тарқатиладиган газ сарфи ўлчагичлари сифатли ва арзон бўлиб улар уч йилга кафолат билан таъминланади. Ушбу жиҳозлар асосан кам таъминланган оилаларга ўрнатилади, энг эҳтиёжманд хонадонларга эга бепул қўйиб берилиши кўзда тутилмоқда.

Газ ўлчагичларнинг 400 мингдан ортиқ қолган қисми ҳам якин 7-8 ой ичида республикамизга келтирилади.

(Ўз мухбиримиз)

ХУШХАБАР

Маълумки, Осиё, жаҳон, олимпиада чемпиони бўлиб ҳаваскорлар ўртасида барча унвонларни қўлга киритган чарм қўлқоп устамиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, икки йилдан буён АҚШ рингларида профессионаллар ўртасида ҳам рейтинг жангларида кетма-кет ғалаба қозониб чемпионлик камари сари якинлашмоқда.

Муҳаммадқодир яна ғолиб!

Шуниси қувонарлики, Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида Муҳаммадқодир ўзининг яна бир жуда чиройли ғалабаси билан бокс ихлосмандларини хушнуд этди. Бу гал у америкалик жиддий ва тажрибали рақиби — профессионал рингда ўзидан 13 та ўйин кўп ўтказган Хосе Акоста билан куч синашди.

Биринчи раунднинг охирларида ҳамюртимиз берган кучли ва аниқ зарбаларнинг «шода»си Акостани нокаут ҳолатига солиб қўйди ва ҳакамлар яна бир бор Муҳаммадқодирнинг қўлларини юқорига кўтардилар.

(Ўз мухбиримиз)

И песня, и стих...

В канун празднования 11-й годовщины независимости нашей республики в столице начал действовать музыкально-поэтический камерный театр «Золотые ворота». Первый свой творческий вечер театр открыл выступлением артистов, поэтов и музыкантов Украинского, Польского и Корейского культурных центров, а также членов ассоциации «Искусство народов мира».

На вечере, прошедшем в доме-музее М. Ашрафи, состоялась также презентация первой книги ташкентского поэта Геннадия Кима «Ностальгия».

В. ПОПЛАВСКИЙ.

Реклама и объявления● Реклама и объявления● Реклама и объявления● Реклама и объявления● Реклама и объявления● Реклама и объявления

УВАЖАЕМЫЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛИ И ПОКУПАТЕЛИ!

В целях совершенствования деятельности открытого акционерного общества

«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»,

создания наиболее благоприятных условий для продавцов и покупателей, перехода на цивилизованные методы торговли, развития сферы обслуживания и службы сервиса принято решение осуществить реконструкцию и благоустройство территории рынка.

В связи с этим с 1 сентября 2002 года деятельность рынка временно, сроком на 3 месяца, будет приостановлена.

Желающим продолжить свою торговую деятельность администрация готова на общих основаниях оказать помощь в приобретении торговых мест в аренду на других рынках г. Ташкента, входящих в систему «Тошбозортайёрловсавдо».

Администрация ОАО «Отчопар буюм бозори».

Р/О «УЗБЕКГОСЦИРК»
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЦИРК ИМ. ТАШКЕНБАЯ ЭГАМБЕРДЫЕВА
ПЛОЩАДЬ ХАДРА

с 30 августа 2002 г.

ОТКРЫТИЕ ОСЕННЕ-ЗИМНЕГО СЕЗОНА

БОЛЬШАЯ ПРАЗДНИЧНАЯ МОЛОДЕЖНАЯ ПРОГРАММА, ПОСВЯЩЕННАЯ ГОДУ ЗАЩИТЫ ИНТЕРЕСОВ СТАРШЕГО ПОКОЛЕНИЯ И XI ГОДОВЩИНЕ НЕЗАВИСИМОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Начало представлений: по пятницам — в 18.00, в субботу и воскресенье — в 12.00, 15.00, 18.00.
Билеты продаются в кассах цирка и районными кассирами.
Форма оплаты — любая.
Принимаются заявки на коллективные посещения.
Касса открыта с 9 часов.

Справки по телефонам: 144-32-23, 144-29-04, 144-35-91.

Р/О «УЗБЕКГОСЦИРК»
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЦИРК ИМ. ТАШКЕНБАЯ ЭГАМБЕРДЫЕВА
ПЛОЩАДЬ ХАДРА

Объявляет набор

юношей и девушек с хореографическим образованием или хорошими танцевальными данными в балетную группу цирка.

Возраст — от 16 до 25 лет, рост — 170-175 (девушки), 173 и выше (юноши).

Обращаться: служебный вход цирка, к Каримовой Гульнюре Данияровне в будние дни — с 12.00 до 13.00.

УТЕРЯННЫЙ
угловой штамп СП «AKASYA»-«АКАСИЯ», выданный хокимиятом Юнусабадского района,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЧАСТНОМУ ПРЕДПРИЯТИЮ, РАСПОЛОЖЕННОМУ В САБИР-РАХИМОВСКОМ РАЙОНЕ,

НА ПОСТОЯННУЮ РАБОТУ

ТРЕБУЮТСЯ:

водители автомашин «МАЗ» и «КамАЗ»-самосвалов со стажем работы не менее 5 лет.

Справки по телефонам: 120-50-01, 186-68-35.

ПОЗДРАВЛЕНИЕ

Дорогой наш сыночек Михаил Агаджанян!

Искренне поздравляя тебя с Днем Ангела, на крыльях которого сегодня сверкает твое **16-летие**, от души желаем тебе крепости и мудрости седого Арарата, звонкости и чистоты горных ручейков в твоей юной жизни!

Пусть всегда с тобой будут: бодрость в теле, разум в голове, радость и уверенность в душе, сила в ногах и удача в придачу.

Будь счастлив, сынуля!
Папа, мама и сестра.

9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Келгусида академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ўқиш нияти бўлган Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчилар учун миллий лицей қошида сентябрь ойидан бошлаб тайёрлов курслари фаолият кўрсатади.

Мурожаат учун телефонлар:
107-50-88, 55-66-17 — кундузи;
60-10-58 — кеч соат 18⁰⁰ дан сўнг.

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси жамоаси Яккасарой тумани дезинфекция станцияси бош шифокори **Равиля Хамматовна САФИУЛИНАнинг** вафоти муносабати билан унинг оиласи ва якинларига ҳамдардлик билдиради.

Чилонзор туман Халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари Касаба уюшмаси туман Касаба уюшмаси раиси Ульмас Вахобовна Каххаровага фарзандлари **УМИДАХОН ва МУЗАФФАРЛАРнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

●28 август куни Оқсаройда Испаниянинг нуфузли Алкала де Энарес университети ректори Мануэль Гала Муньос Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга университетнинг Олий мукофоти «Сиснерос» медалини топширди. Бу мукофот таълим соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган давлат арбобларига берилади. Оқсаройдаги учрашув чоғида икки ўртада таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумбергдан 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларининг бир йиллигига бағишланган маросимларда иштирок этиш таклифи баён этилган мактуб келди. Президентимиз Ислом Каримов таклиф учун Нью-Йорк шаҳри мэрига самимий миннатдорлик билдириб, жумладан, унинг иш ҳаждали ушбу муҳим маросимда иштирок этиш имконини бермаслигини, бирок, ёдлаш маросими ўтказиладиган кун ва вактда Ўзбекистон халқи ва шахсан ўзи фикран ва қалбан мэр билан, жасоратли Нью-Йорк аҳли ва бутун Америка халқи билан бирга бўлажаклигига унинг ишончи комил бўлишини таъкидлади.

●Ўзбекистон Республикаси Президенти «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

●Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги вакиллари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талаба ва аспирантлари иштирокида «Ўзбекистон-Япония: янги ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик» мавзуида масофали видеоанжуман бўлиб ўтди.

●Самарқанд марказида яна бир муҳташам иншоот бунёд этилди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллиги ва Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қад кўтарган ушбу бинода бундан бўён вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вилоят бўлимлари фаолият кўрсатади.

●Косон туманида Мустақиллик байрами арафасида замонавий коллеж талабаларга ўз эшикларини очди.

● Бугун мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Гарбдан сониясига 5-10 метр тезликда шамол эсди. Кундуз куни ҳаво ҳарорати 31-33 даража исиқ бўлди.

Жаҳонда

●Италияда ўтказилган Ёшларнинг халқаро фестивалида Тошкентдаги Республика болалар ижоди марказининг «Ором» болалар фольклор ансамбли ҳамда Успенский номидаги мусиқаси мактаб тарбияланувчилари, шунингдек, Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги санъат мактаби болалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

●Нью-Йорк шаҳрида шу йилнинг 16 сентябрь куни «Яқин Шарқ тўртлиги»га кирувчи АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ вакилларининг учрашуви бўлиб ўтади. Унда Фаластин ва Исроилнинг ўзаро муносабатлари муҳокама қилинади.

●Жанубий Корея Миллий ассамблеяси депутатлари мамлакат янги Бош вазири номзоди учун овоз бериш жараёнини ўтказадилар. Хабар қилинишича, Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун томонидан номзоди кўриб чиқишга тақдим этилган Чан Дэ Ваннинг қўллаб-қувватланиши, шу билан мамлакатда ҳукумат танглиги поёнига етиши кутилмоқда.

●Исроил танклари Фаластиннинг Ғазо шаҳрига зарбалар бериши оқибатида тўрт киши (улардан икки нафари болалар) ҳалок бўлган.

●Афғонистонда олиб борилаётган аксилтеррор амалиётларида қатнашаётган америкалик ҳарбийларнинг хулосасига кўра, биринчи рақамли террорчи Усама бин Лодин тирик ва у Афғон-Покистон чегара ҳудудларида яширинган. Усама бин Лодин ва унинг яқин ёрдамчиларидан бири Ал-Зоҳирий икки давлат ўртасидаги 400 километрга яқин чегара ҳудудларидан бошпана топган.

●Покистон разведкаси ўтган йилнинг 11 сентябрь воқеаларига бир йил тўлиши муносабати билан мамлакатдаги қўпорувчиликлар амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида маълумот олишга муваффақ бўлган. Шу муносабат билан Покистон ҳукумати барча хавфсизлик чоралари амалга оширилишини таъкидлаган.

●Франция Гвианасидаги Куру космодромидан Европа космик агентлиги «Ariane» ракетасини муваффақиятли учирди.

XXI Информбюро

Вчера, сегодня, завтра

В СТРАНЕ

● 28 августа в резиденции Оксарой ректор испанского университета Алкала де Энарес Мануэл Гала Муньос вручил Президенту Узбекистана Исламу Каримову высшую награду университета — медаль «Сиснерос», которая вручается государственным деятелям, внесшим большой вклад в развитие образования. Во время встречи также состоялся обмен мнениями по вопросам дальнейшего сотрудничества в области образования между Узбекистаном и Испанией.

● Президент Ислам Каримов направил послание мэру Нью-Йорка Майклу Блумбергу в ответ на приглашение принять участие в мероприятиях, посвященных годовщине террористических актов 11 сентября. Искренне поблагодарив мэра Нью-Йорка за приглашение, И. Каримов в частности отметил, что рабочий график не позволяет руководителю нашего государства принять участие в этом важном мероприятии, однако в день и время проведения мемориальной церемонии он и весь народ Узбекистана всеми мыслями и сердцем будут рядом с Вами, мужественными жителями Нью-Йорка и всем американским народом.

● Президент Республики Узбекистан подписал Указ «О мерах по дальнейшему стимулированию развития лизинговой системы».

● В Ташкенте прошел семинар, посвященный вопросам ведения бухгалтерского учета по международным стандартам, организованный Центральным банком Республики Узбекистан совместно с Ассоциацией банков Узбекистана и Японским агентством по международному сотрудничеству (JICA).

● Экспорт перевалочных и складских услуг на 800 тысяч долларов США — такова отдача введенного в эксплуатацию в Наманганской области перевалочного склада хлопковолокна «Интер-тола».

● В центре Самарканда сдано в строй здание, в котором разместятся совет аксакалов области, областные отделения фондов «Махалля» и «Нуроний».

В МИРЕ

● В Италии на Международном фестивале молодежи с успехом прошли выступления воспитанников детского фольклорного ансамбля «Ором» Республиканского центра детского творчества и Республиканской музыкальной школы имени Успенского, а также продемонстрированы работы ребят из школы искусств при Академии художеств Республики Узбекистан.

● Пять наших соотечественниц — Ш. Кузиева, З. Шарипова,Ш. Абдуллаева, И. Шин и Т. Ли — удостоены почетного третьего места на Втором фестивале искусств, посвященном творчеству женщин Азии, который прошел в Южной Корее.

● Таджикистан подписал соглашение о предоставлении военному контингенту США в Таджикистане иммунитета в отношении Международного уголовного трибунала ООН.

● В Хабаровском крае идут поисковые работы транспортного самолета «Ан-28», который исчез с радаров при заходе на посадку в одном из населенных пунктов. На борту самолета находились 17 человек.

● Подведены итоги референдума, проведенного в Азербайджане по внесению изменений в Конституцию. В референдуме приняли участие 84 процента от числа зарегистрированных в списках. За изменения в Конституции проголосовали 96 процентов участвовавших в референдуме.

● Президент Грузии Э. Шеварднадзе заявил, что Грузия сама наведет порядок в Панкисском ущелье без помощи России, которая предложила совместными усилиями обезвредить действующих в Панкиссии чеченских боевиков.

● Лига арабских стран выступает против планируемой силовой акции США против Ирака.

● Миротворческий контингент ООН в Косово подвергся обстрелу со стороны неизвестных.

● Депутаты Национального собрания Республики Корея должны провести голосование по кандидатуре нового премьер-министра страны. Если кандидатура Чан Дэ Вана будет одобрена, закончится правительственный кризис в стране.

● На заседании Международного олимпийского комитета определены кандидаты на проведение зимней Олимпиады-2010: канадский Ванкувер, швейцарский Берн, австрийский Зальцбург и южнокорейский Пхенчхан.

Байрам шодиёналари файзли ўтади

Айни кунларда Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами шодиёналари мамлакатимизнинг ҳамма жойларида ўзгача шукуҳ, ўзгача завқ-шавқ билан тантанали нишонланмоқда.

Жумладан пойтахтимизнинг барча туманларида, шаҳар майдонлари ва саҳналарида ҳам байрам тадбирлари жуда чиройли ва файзли ўтади. Энг Улуғ ва энг Азиз байрамимизга бағишлаб ҳамда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 1 сентябрь куни Акмал Икромов туманида Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғида, Мирзо Улуғбек туманида Мирзо Улуғбек ёдгорлиги майдони ва «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида, Миробод туманида Алишер Навоий номидаги Академик катта театри майдонида, Шайхонтоҳур туманида Шоирлар ҳиёбони, Ибн Сино мавзесидаги гузар, «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида, Юнусобод туманида Мустақиллик майдони, «Туркистон»нинг ёзги саройида, Яккасарой туманида эса «Бобур» номидаги маданият ва истироҳат боғида, Сергели туманида Сергели туман маданият ва истироҳат боғида, Ҳамза туманида «Авиасозлар» майдонида, Собир Раҳимов туманида Талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлик» стадионида, Чилонзор туманида Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳамда «Наврўз» мажмуаси (асосий саҳнада), Бектемир туманида Красницкий номидаги стадионда эрталабдан то кечга қадар эл севган санъаткорлар, эстрада дасталари, қизиқчилар ва сўз усталари иштирокида қизиқарли байрам томошалари, концертлар намойиш қилинади.

ТАҚДИМОТ

«Ҳаёт сабоқлари»

Маълумки, халқимиз, айниқса уй бекалари телесериалларни хуш кўришади. «Ойнаи жаҳон» орқали берилаётган шундай фильмларни мириқиб томоша қилишади.

Шу жиҳатдан олганда «Тошкент» телеканали ижодкорлари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг яқиндан қўллаб-қувватлаши остида хайрли ишга қўл урдилар. Неъмат Саидхонов ва Марат Асадуллаевлар сценарийси асосида Ҳамид Қаҳрамонов режиссёрлигида маиший мавзуда «Ҳаёт сабоқлари» туркумидан «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси» номли илк ўзбек миллий телесериали дунёга келди. Ҳозир ушбу телесериал премьераси катта муваффақият билан «Тошкент» телеканали орқали намойиш этилмоқда.

Куни кеча Ўзбек миллий академик драма театрига кираверишда янграган карнай-сурнай садолари ҳамшаҳарларимизни ушбу ҳашаматли санъат кошонасига «Ҳаёт сабоқлари» телесериалининг тақдимот маросимига чорлади. Томошабинлар билан лиқ тўлган зал эса мухлислар миллий телесериалимизни қанчалик яхши қабул қилишганлигидан далолат берди.

Дастлаб, Ўзбек миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов йиғилганларга телесериалда роль ижро этган артистларни таништириб ўтди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромов янги телесериалнинг яратилиш тарихи хусусида тўхталар экан унга Юртбошимизнинг 1998 йилдаги тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш тўғрисидаги Фармонлари туртки бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда одамларни бир-бирларига яқинлаштирувчи, меҳр-оқибат ришталарини боғловчи тўй-ҳашамларимиз баъзан ниҳоятда дабдабали, ким ўзарга ўтказилаётгани ҳам сир эмас. Аёлларимизнинг ҳар бир маросимга олиб борадиган тоғораларни тобора кўпайтиришлари ҳам халқимизга ёт бўлган удумлар сирасига киради. Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар «Ҳаёт сабоқлари» кўп серияли фильмининг ана шундай иллатларни фош этиш борасидаги ютуқлари, унинг ибратли томонлари ва артистларнинг ижроси тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари, кейинги фасларни ишлашда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар тўғрисидаги таклифларини билдирдилар.

Фильм сценарийси муаллифи Марат Асадуллаев йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, суратга олиш жараёнида рўй берган қизиқ воқеаларни сўзлаб берди.

Ўйлаймизки, сериялари сонини юзтага етказиш мўлжалланаётган «Ҳаёт сабоқлари» телесериалининг кейинги фаслларида ҳам ҳаётимизда аскотадиган кўплаб ибратли воқеалар, тақдирлар ўз аксини топади.

Даврон ИСМАТОВ

СУРАТЛАРДА: тақдимот маросимидан лавҳалар.

Сергей Любчич олган суратлар.

ЮРТИМИЗ ДОВРУҒИНИ ТАРАТГАНЛАР

Спорт юлдузларимиз қутлайди

Мустақил Ўзбекистонимиз довруғини жаҳонга таратишда спортнинг хизмати катта. Истиқлол шарофати билан бошқа соҳалар қаторида жисмоний тарбия ва спортга ҳам катта эътибор қаратилиб, натижада шахмат, бокс, кураш, теннис, каратэ, таэквандо бўйича спортчиларимизнинг халқаро турнирларда эришаётган ғалабалари дилларни ғурур ва ифтихорга тўлдирмоқда. Энг Улуғ ва энг Азиз байрамимиз арафасида биз Ўзбекистон байроғини жаҳон майдонларида баланд кўтарган спортчиларимизнинг айримлари билан мулоқотда бўлдик.

Миржалол ҚОСИМОВ,
футбол бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон, ёшлар ўртасида Европа чемпиони,
Осиё ўйинлари ғолиби,
Россия, Ўзбекистон чемпиони,
уч карра Ўзбекистон Кубоги соҳиби:

— Барча халқларнинг азалий орзуси бўлган мустақилликка эришганимизга ҳам 11 йил тўлаяпти. Шу давр ичида спорт соҳасида эришган ютуқларимиз диққатга сазовор. Мустақиллик шарофати билан биз спортчилар Ўзбекистон довруғини жаҳонга тарата олдик. Истиқлол мен учун азиз неъмат. Юртимиз байроғини янада баланд кўтаришда қилган камтарона хизматларим муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медалининг соҳиби бўлдим. Менга «Ўзбекистон ифтихори» унвони берилганлиги қалбимни ғурурга тўлдирди, уч марта «Энг яхши ўйинчи» номига сазовор бўлганим билан ҳамиша фахрланаман.

Энг Улуғ байрамимиз билан юртдошларимни чин қалбимдан қутлайман. Истиқлолимиз абадий бўлсин. «Пахтакор» эса мамлакат чемпионлигини қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда ҳам юртимиз довруғини дунёга таратсин! Осмонимиз доимо мусаффо, юртимиз тинч бўлсин!

Ирода ТЎЛАГАНОВА,
ёшлар ўртасида Уимблдон ва «Тошкент-оупен» халқаро аёллар турнирлари ғолиби:

— Истиқлол байрами мен учун қадрли. Чунки Мустақиллик шарофати билан жаҳонга машҳур теннис кортларида ўйнаш имкониятига эга бўлдим. Авваллари буни фақат орзу қилиш мумкин эди. Истиқлол йилларида мен «Ўзбекистон ифтихори» унвонига сазовор бўлдим. Бу унвон мени доимо ғолиб бўлишга ундайди. Мен ўз халқимни, Ўзбекистонимни севаман. Ҳур диёримиз янада гуллаб-яшнашини, барча соҳаларда янада юксак ютуқларга эришишини тилайман. Агар мен спортда эришаётган ғалабаларим билан халқимнинг кўнглини шод этаётган бўлсам, демак ҳаётда ўз йўлимда тўғри кетяпман. Яна бир бор барча ватандошларимни Улуғ байрам билан табриклайман.

Дилшод ОРИПОВ,
юнон-рум кураши бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони:

— Барчамиз учун энг Улуғ ва энг Азиз байрам бўлган Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги билан бутун Ўзбекистон халқини табриклайман. Ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик тилайман. Тилагим — спортчиларимиз халқаро турнирларда доимо ғолибликни қўлга киритиб, юртимизни янада машҳур қилаверишсин. Менга ҳам Олимпия чемпиони бўлиб, олтин медални Ўзбекистонга келтириш насиб қилсин!

Азиза ИЛҲОМОВА ёзиб олди.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709. Босмага топшириш вақти 16.00 Топширилди 17.00 1 2 3 4 5 6